



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA`LIMI
VAZIRLIGI MUQIMIY NOMIDAGI QO`QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI

PEDAGOGIKA FAKULTETI

MAKTABGACHA TA`LIM YO`NALISHI

IV “S” guruh talabasi

Yoqubova Gulira`noning

*5141700-maktabgacha ta`lim yo`nalishi bo`yicha bakalavr darajasini
olish uchun*

**“MAKTABGACHA TA`LIM YOSHDAGI
BOLALARNI INTELLEKTUAL
RIVOJLANTIRISHDA O`YIN
MASHG`ULOTLARINI O`RNI”
mavzusidagi**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ilmiy rahbar:

G. Nazirova

Qo`qon – 2014

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЙИН МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1 «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари»да боланинг ривожланиш соҳалари

1.2. Боғча ёшидаги болаларнинг умумий ривожланиши

1.3 Мактабгача таълим ёшидаги боланинг интеллектуал ривожланиши

Боб бўйича хулосалар

II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ЎЙИНИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ИМКОНияТЛАРИ

2.1 Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясида қўлланиладиган ўйин машғулотларининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари

2.2 Мактабгача таълим ёшидаги болалар билан ўтказиладиган интеллектуал ривожлантирувчи ўйин-машғулотлар

Боб бўйича хулосалар

Умумий хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда жисмоний ва маънавий соғлом, уйғун камол топган ўсиб келаётган авлодни, профессионал, замонавий даражада тайёрланган кадрларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, таълим савиясини янада такомиллаштириш ва сифатини юксалтириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2014 йилни “Соғлом авлод йили”, деб эълон қилингани ҳам бунга далолат бўла олади.

Таълимни модернизациялаш халқ таълими олдига янги талабларни қўймоқда. Халқ таълимида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари мақсади таълим сифатини оширишдир. Таълим сифати деганда ўқувчиларда нафақат белгиланган билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, балки ҳар бир боланинг шахси, унинг билиш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш назарда тутилади. Бу мақсадга таълим сифатини оширишга вазифа, топшириқлар ҳажмини кўпайтириш йўли билан эмас, балки таълим усул ва шакллари, таълим мазмунини танлаш йўллариини такомиллаштириш орқали эришиш керак.

Узлуксиз давом этадиган бир бутун таълим-тарбия жараёнини биринчи босқичи – мактабгача таълим, дея аталади. Биргина ушбу ёндашувнинг ўзиёқ бу таълим турига ҳар томонлама эҳтиёткорлик, эътиборлилик ва меҳрибонлилик билан қарамоқни талаб этади. Негаки, бугунги ёшларимиз олдида XX1 асрда кучга тўлиб, соғлом, билимли, ақлли бўлиб жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланишдек улкан фазифа турибди.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг руҳият, шахсий қобилиятлари, интилиши ва эҳтиёжларини қондириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга, мустақиллик ғояларига содиқ ҳолда вояга етиб боришни таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги

болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлашдан иборат.

Бола дунёга келган кундан бошлаб, давлат ва жамият ҳамда ота-она зиммасига уни соғлом, ақлли, хушхулқли қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилади. Давлат ва жамиятнинг келажаги ёш авлоднинг қандай вояга етишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўз навбатида жамият тараққиёти миллатнинг манавий даражаси билан белгиланган.

Ҳар бир бола алоҳида ҳолда ўсади ва ривожланади, бироқ шунга қарамай барча болалар ривожланишнинг маълум кетма-кетликдаги босқичларидан ўтадилар. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида бир хил ёшдаги болалар учун умумий бўлган хусусиятлар кузатилади.

Ўйин мактабгача ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин болаларнинг келажакдаги ўқув ва меҳнат фаолияти, кишиларга тмуносабатнинг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.

Болалар атрофларидаги катталар учунгина мансуб булган, хали узларининг кучлари ҳам, ақллари ҳам етмайдиган жуда куп нарсаларни фақат ўйин фаолияти орқали узлаштирадилар. Ўйин орқали воқеъликдаги нарса ва ходисаларни биладилар. Ўйин теварак атрофдаги нарсаларни билиш воситаси эмас балки кудратли тарбия воситаси ҳамдир. Болани ўйин орқали ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний хислатларни ҳам тарбиялаш лозимлиги мазкур битирув малакавий ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеллектуал ривожлантиришда ўйин машғулотларнинг аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг мақсадига мос равишда қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш белгиланди:

1. Мактабгача таълим ёшидаги болалар ривожланишининг ўзига хослиги ижтимоий-педагогик муаммо сифатида асосланди.
2. «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари»да боланинг ривожланиш соҳалари ўрганилди.
3. Боғча ёшидаги болаларнинг умумий ривожланиши ва интеллектуал ривожланишининг ўзаро мувофиқлиги назарий таҳлил қилинди.
4. Мактабгача таълим ёшидаги болалар ўйинининг ижтимоий-педагогик имкониятлари очиб берилди.
5. Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясида қўлланиладиган ўйин-машғулотларининг ўзига хос психологик хусусиятлари аниқланди.
6. Мактабгача таълим ёшидаги болалар билан ўтказиладиган интеллектуал ривожлантирувчи ўйин-машғулотларни ўтказишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди

Битирув малакавий ишининг объекти: мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеллектуал ривожлантиришга оид ўйин машғулотлари жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети: мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеллектуал ривожлантирувчи ўйин машғулотлари жараёни, ўтказилиш тартиби, эътиборга олинаши керак бўлган жихатлар.

Ишнинг тузилиши: битирув малакавий иши ____саҳифани ташкил этиб, кириш, икки боб, ҳамда 5 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1 «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари»да боланинг ривожланиш соҳалари

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Республикада идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар мактабгача таълим тизими ҳамда оилаларда болани тўлақонли тарбиялаш, таълим бериш ва ривожлантириш, уни мактабга самарали тайёрлашда қўлланиши мажбурий бўлган давлат ҳужжатидир.

Давлат талаблари 0-7 ёшли боланинг қай даражада ривожланганлиги ва эгаллаган ютуқларини баҳолаб борувчи талаблар бўлиб, улар билим, малака ва кўникмалар ривожланишининг кўрсаткичларини белгилайди:

1. Жисмоний ривожланиш, ўз - ўзига хизмат ва гигиена
2. Ижтимоий - ҳиссий ривожланиш
3. Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик
4. Билиш жараёни, атроф олам тўғрисидаги билимларга эга бўлиш.

Мазкур 4 та йўналиш 0 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг ўз-ўзига хизмат кўникмаларининг шаклланиши, нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш даражасини, атроф-олам ҳақидаги тушунчаларни ва қўйилган талабларни эгаллаши учун асосий омил ҳисобланади.

У мактабгача таълим тизимининг моҳиятини белгилайди ва мактабгача таълим муассасаларини мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча болаларнинг тенглиги ва болалик қадриятини сақлаган ҳолда ҳар бир боланинг индивидуал (алоҳида) ривожланишини таъминлашга йўналтиради.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган маъмурий дахлдорлиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, қуйидаги таълим муассасаларида қўлланиши мажбурийдир:

- оммавий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида;

- мактабгача гуруҳлари мавжуд бўлган “Меҳрибонлик” ва гўдаклар уйларида;

- халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг мактабгача ва бошланғич таълимни назорат қилувчи шўъбаларида;

- ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларининг мактабгача ва бошланғич таълим йўналиши бўйича кадрларни тайёрловчи факультетларда;

- мактабгача ва бошланғич таълим тизими кадрлари малакасини ошириш муассаса ва ташкилотларида.

Давлат талабларини ишлаб чиқишда шахс ривожланишининг 4 та йўналиши асос қилиб олинган (жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик; билиш жараёни ва атроф-олам тўғрисидаги билимларга эга бўлиш).

Йўналишлар асосий бўлимларга бўлинган ва шу билан биргаликда, улар боланинг меъёردа ривожланиш кўрсаткичларини акс эттиради.

Ушбу давлат талаблари кадрлар тайёрлаш сифати, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар, мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш даражаси ҳамда ота-оналарнинг бола ривожланишига оид кўникма ва малакалари механизмини белгилайди.

Давлат талаблари 0 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг билим, кўникма ва малакалари мезонларини акс эттирувчи, уларнинг ўсиш динамикаси, ривожланиш ҳолатларини аниқлаш, таълим-тарбия жараёни ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини баҳолашни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Давлат талабларининг мақсади

- Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб мактабгача таълим тизими фаолиятини йўлга қўйиш;
- сифатли таълим кўрсатиш хизматлари, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- кадрлар тайёрлаш сифати ва таълим фаолиятининг тартибини белгилаш;
- бола шахси асосларини шакллантириш ҳамда унинг билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш;
- боланинг интеллектуал шахс сифатида ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;
- болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;
- болаларни мактаб таълимига тайёрлаш.

Давлат талабларининг вазифалари:

- 0 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга таълим-тарбия беришга ҳар томонлама ёндашувни таъминлаш;
- мактабгача таълим методикасини яхшилаш;
- кичик ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш ўқув дастурларини яратиш;
- мактабгача таълим муассасалари педагоглари малакасини ошириш (педагог кадрларни ўқитиш ўқув режалари);
- мактабгача таълим мониторинги ва таҳлилини олиб бориш;
- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;
- ота-оналарга болаларнинг ривожланиши ва уларни мактаб таълимига тайёрлашга оид билим, малака ва кўникмаларга эришишларида ёрдам кўрсатиш;
- жамиятда мактабгача таълимнинг нуфузини кўтариш.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш ва ривожлантириш талабларига яхлит ёндашувга бола шахсининг барча соҳаларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини тўлдириши орқали эришилди.

Ўзбекистон Республикасида «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари» кўп сонли илмий тадқиқотларга таяниб, болаларнинг ривожланиш ва таълим олишларини тўрт асосий йўналишга ажратади:

1. Жисмоний ривожланиш, ўз - ўзига хизмат ва гигиена
2. Ижтимоий - ҳиссий ривожланиш
3. Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик
4. Билиш жараёни, атроф-олам тўғрисидаги билимларга эга бўлиш.

Ўзбекистон Республикасида 0 дан 7 ёшгача (0-84 ой) бўлган “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” қуйидаги ёш гуруҳларга бўлинган:

0-6 ой

6-12 ой

12-24 ой

2 -3 ёш (24-36 ой)

3-5 ёш (36-60 ой)

5-7 ёш (60-84 ой)

Ёш оралиқлари ва болаларнинг уларга мос гуруҳланиши мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил қилишга оид ҳуқуқий йўриқномаларга асосан белгиланган.

«Жисмоний ривожланиш, ўз - ўзига хизмат ва гигиена»

Болалар саломатлиги ва муваффақияти уларнинг ўсиш ва таълим олиш жараёнининг илк босқичларида асосий омил ҳисобланади.

Яхши жисмоний тайёргарлик — бу юқори даражадаги мактабга тайёргарлик ва таълим олиш жараёнида фаол иштирок этишни таъминлаш, ўзларини ўраб турган оламда фаол иштирок этишлари, кундалик ҳаётлари давомида соғлом ва хавфсиз амалиёт олиб бориш имкониятини қўллаш учун

муҳим омилдир. Соғлом жисмоний ривожланиш ва сенсомотор координацияни мустаҳкамлаш ўзаро боғлиқдир ва нутқ ўстириш, ақлий, ижтимоий-ҳиссий ривожланишнинг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

«Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена» йўналишида ривожланиш жараёни қуйидаги бўлимлар орқали кечади:

Йирик моторикани ривожлантириш. Унда болалар юриш, югуриш, сакраш, зина бўйлаб юқорига юриш вақтида ўзларининг тана аъзоларини бошқаришни ўрганадилар. Мазкур бўлим қуйидаги талабларни ўз ичига олади:

1-талаб: Бола ўз танасини бошқара олади.

2-талаб: Бола ўзининг тана аъзоларини бошқара олади.

3-талаб: Бола бир йўналишда мақсадли ҳаракатлана олади.

Майда моторикани ривожлантириш. Унга кўра, болалар бирин-кетин бирор бир фаолиятни янада аниқроқ бажариш (ушлаш, очиш, ёпиш, қирқиш, бўлиш) учун ўз қўллари ва бармоқларини ишлатиш ва улардан фойдаланиш малакасини эгаллаб боради. Бу йўналишлар қуйидаги талаблардан иборат:

1-талаб: Бола қўл ва бармоқ ҳаракатларини назорат қила олади.

2-талаб: Бола ўйинчоқ ва кундалик эҳтиёж предметларидан фойдалана олади.

Сенсомоторикани ривожлантириш – бу бўлимнинг асоси ўз ҳаракатларини бошқариш учун сезги органлари (кўриш, эшитиш, қўл билан ҳис қилиш, ҳид билиш ва б.) дан фойдаланишдир.

1 талаб: Бола ўз ҳатти - ҳаракатларини сезиш органлари ёрдамида бошқара олади.

Маданий-гигиеник малакалар – унга асосан болалар ўз соғликларининг муҳофазасига таъсир этувчи шахсий гигиеник малакаларни эгаллайдилар.

1-талаб: Бола маданий-гигиеник малакаларга эга.

Ижтимоий - ҳиссий ривожланиш

Ижтимоий ва ҳиссий ривожланиш малакалари бола шахсининг бугунги кунда ва келажакда ижтимоийлашувида муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланишнинг илк босқичларида ижтимоий ва ҳиссий ривожланиш босқичларини аниқлаш жисмоний ва моторик ривожланиш босқичларини аниқлашдан кўра бироз мушкул кечади. Бу соҳа ўз-ўзини англаш ва назорат қилиш малакаларини оширувчи янги малакаларни эгаллаб боришига боғлиқ. Изланишлар шуни кўрсатадики, ижтимоий ва ҳиссий ривожланиш малакалари боланинг мактабга тайёргарлиги, ўз хатти-ҳаракатларини идора этиш қобилиятини таъминловчи, шу билан биргаликда фаолият юритиш ва атрофдагилар билан позитив мулоқотга киришишга ўргатишда муҳим таркибий қисмдир. Шунингдек, болада ўзи ва ўзгаларга бўлган ишончни шакллантиради, келажакда шахснинг умумий ривожланишига асос солади. Соғлом ижтимоий-ҳиссий ривожланишни амалга оширишда бола ҳаётининг илк кунлариданок хавфсиз муҳит ва катталар билан позитив мулоқотнинг ўрнатилиши муҳим роль ўйнайди.

Бола шахсининг адекват ижтимоий-ҳиссий ривожланиши, авваламбор, боланинг турли хатти-ҳаракатлар мазмунини англаши, ўз ҳиссиётларини назорат қила олиши, ўзгаларга ҳамдардлик, уларни тушуниши ва уларга ҳурматни ифода этиши, шунингдек, гуруҳдаги болалар билан биргаликдаги фаолиятда фаол иштирок этиши билан шаклланади.

Ижтимоий- ҳиссий ривожланиш бўлими қуйидаги талабларни ўз ичига оловчи бўлимларга бўлинади:

I. Ижтимоий ривожланиш. Унга асосан бола ижтимоий муҳит, шунингдек, атрофидагилар билан ҳамкорлик ўрнатади.

1-талаб: Бола таниш ва нотаниш кишиларни фарқлайди.

2-талаб: Бола бошқа болалар ва катталар билан мулоқот малакаларини қўллай олади.

II. Ҳиссий ривожланиш. Унга асосан болада ўзини ва ўз ҳиссиётларини англаш ривожланади.

1-талаб: Бола «Мен» концепциясини англайди.

2-талаб: Бола ўзгалар ва ўз ҳисларини англайди.

Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик

Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарликнинг тўғри қўлланилиши ҳар бир инсоннинг жамиятда муваффақиятли фаолият юритишида муҳим ўрин тутadi. Маълумки, аҳолининг саводхонлиги бугунги кунда жамият ривожланишида катта аҳамиятга эга. Инсон саводхонлиги унинг келажак ҳаётининг сифати даражасини белгилайди ва бугунги дунёнинг жадал техник юксалиш даврида муваффақиятли фаолият олиб бориш имконини яратади. Шундай қилиб, саводли бўлиш билимлар калитига эга бўлиш деганидир.

Тўғри ва равон нутққа эга бўлиш мураккаб жараён бўлиб, бола туғилганидан бошланади ва бир нечта омиллардан келиб чиқади. Нутқнинг ривожланиш жараёнида бола кейинги ҳаёти давомида ривожланиб ва такомиллашиб боровчи мураккаб билимлар тизимини эгаллайди. Ғўдаклигида қўллаган юз ифодаси ва тана ҳаракатлари ўрнини тезда товушлар, сўзлар ва гаплар эгаллайди.

Шундай қилиб, энди улар ўз фикр ва ҳисларини ифода эта оладилар, шу билан бирга уларга ўзлари сўзлашаётган ўзга кишиларни тушуниш ҳам зарур бўлади.

Нутқ оилада, кейинчалик, мактаб ва жамиятда ривожланиб боради. Тил ва саводнинг ривожланиши она тилида ифодалаш қобилиятига асосланади. “Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик” йўналишининг асоси-сўзлашув нутқини тинглаш ва тушуниш, китоб ўқишга қизиқиш уйғотиш, ёзиш малакаларини ривожлантиришдир. Нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш йўналиши қуйидаги талаблардан иборат бўлган иккита кичик соҳани ўз ичига олади:

1. Нутқ. Унда бола сўзлашув тилига зарур даражада таъсирланади, тушуна бошлайди ва атрофдагилар билан мулоқотга киришади.

1-талаб: Бола нутқни тинглайди ва тушуна олади;

2-талаб: Бола гапиради ва сўзлаша олади.

2. Ўқиш ва саводга тайёргарлик. Унда босма материаллар ва ёзув белгилари ҳамда ҳарфларга бўлган қизиқиш ривожланади.

1-талаб: Бола босма материаллар, ҳарфлар ва белгиларга қизиқиш билдиради.

2-талаб: Бола ёзишга оид кўникмаларини ҳосил қилади.

Билиш жараёни. Атроф олам тўғрисидаги билимларга эга бўлиш

Билиш жараёни болаларнинг ақлий ва психик қобилиятларини оширишга қаратилган. Когнитив ривожланиш бир нечта босқичлардан ташкил топади: иқдор бўлиш, қайта ишлаш, ташкил қилиш ва олинган ахборотдан тўғри фойдаланиш. Когнитив ривожланиш жараёни бир қатор мужассам тадбирлар: ўрганиш, аниқлаш, тасаввур қилиш, саралаш, тоифалаш ва ахборотни ёдлашдан иборат. Бола ривожланишининг ушбу соҳаси болалар қандай фикрлаши ва улар нималарни билишини ўз ичига олади. Мактабгача бўлган даврда когнитив ривожланиш муаммони баҳолай олиш малакаси, тартиб-қоида ва концепцияларни тушуниш малакалари, шунингдек, имкониятлар ва оқибатларни олдиндан кўра олиш каби муҳим малакаларни эгаллаш билан характерланади. Болалар фақатгина умумий билимлар эгаллаётганлари билан эмас, балки қандай ўрганаётганлиги, эслаб қолаётганлиги ва тушунаётганликлари билан ҳам фарқ қиладилар. Шундай қилиб, таълим-тарбия жараёнида болаларнинг билимларни қай тарзда эгаллаётганликларига ҳам катта аҳамият бериш лозим.

Сўнгги вақтларда когнитив ривожланишда болаларнинг жисмоний саломатлиги, ижтимоий ва ҳиссий ривожланишларига катта урғу берилмоқда. Чунки, айнан ушбу соҳалар кейинги муваффақиятли ривожланишнинг таъминловчилари саналади. Болалар томонидан эгалланган билимлар уларнинг таълимга ёндашувлари билан биргаликда кундалик фаолиятлари учун асос бўлади.

Билиш жараёни. Атроф-олам тўғрисидаги билимларга эга бўлиш қуйидагиларга бўлинади:

1. Элементар математик билим ва кўникмалар. Математик ва сон-санок малакаларини ривожлантириш орқали математик билимларни орттириши, мантикий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятларини ривожлантириш, сон-санок, миқдор, шакл, катталиклар ва ўлчов birlikларидан фойдаланиш малакаларини ривожлантиришга эришилади.

1-талаб: Бола сон – санок ва ҳисоблашга оид билимларни намоён қилади.

2-талаб: Бола предметларни тоифалаш, гуруҳлаш ва тартиб бўйича жойлаштириш қобилиятини намоён қилади.

2. Атроф- олам тўғрисидаги билимлар. Бола кузатиш ва амалиёт орқали атроф- олам тўғрисида ахборот олади.

1-талаб: Бола жонли ва жонсиз табиатни кузатади ва таърифлай олади.

2-талаб: Бола инсон тана аъзоларини билади.

3. Ижод

Бадий ифодалаш бола шахсининг ривожланиши ва болалик тажрибасида муҳим омил саналади. Турли шакллардаги ўз тасаввур ва ижодларини ривожлантириш имкониятларига эга бўлган болалар миллий маънавий мерос ва маданиятни ҳурмат қилишга ўрганадилар. Бола ўз ҳиссиётларини мусиқа, театр ва тасвирий фаолият ва бошқалар орқали ифодалашга ўрганадилар.

1-талаб: Бола турли товуш ва овозларни фарқлай олади.

2-талаб: Бола товушлар баландлиги, тембрига кўра фарқлайди.

3-талаб: Бола жамоа бўлиб мусиқий фаолиятларда иштирок этишга қизиқиш билдиради.

4-талаб: Бола айрим болалар чолғуларида чалиш малакаларини намоён этади.

5-талаб: Бола амалий фаолиятда иштирок этишга қизиқиш билдиради.

1. Жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена:

1. Жисмоний ривожланиш

- йирик моторикани ривожлантириш
- сенсомоторикани ривожлантириш
- майда моторикани ривожлантириш
- маданий-гигиеник малакалар

2. Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш:

Ижтимоий ривожланиш:

- Катталар билан мулоқот

- Тенгдошлари билан мулоқот

Ҳиссий ривожланиш:

- "Мен" концепциясининг ривожланиши
- Ҳиссий ифодалаш

3. Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик

Нутқ:

- Эшитиш ва тушуниш малакасини шакллантириш.
- Импрессив мулоқот;
- Нутқ малакаси; Экспрессив мулоқот;

Ўқиш ва саводга тайёргарлик:

- Китобнинг қадр-қимматини тушуниш
- Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш

4. Билиш жараёни, атроф- олам тўғрисидаги билимга эга бўлиш ва уни англаш

Элементар математик тасаввурлар:

- Элементар математик билим ва малакалар
(сон, санок, катталиқ, шакл, масофа ва вақт тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, қуриш-ясаш)

Атроф олам тўғрисидаги малакага эга бўлиш ва уни англаш

- Атроф -олам тўғрисидаги малакага эга бўлиш
(жонли табиат, ер қурраси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш)

1.2 Боғча ёшидаги болаларнинг умумий ривожланиши

Маълумки, бугунги кун ёшлардан ХХИ аср муаммоларини ҳал этиш учун ҳаётий зарур қобилиятлар асосини яратишга ҳаракат қилади. Бундай қобилиятлар жумласига биз қуйидагиларни киритамиз:

- ўзгаришларни қабул қилиш ва амалга ошириш;
- танқидий фикрлаш;
- танлашни амалга ошириш;

- муаммоларни қўйиш ва ҳал этиш;
- ижодни, фантазияни ва ихтирочиликни намоён этиш;
- одамлар, жамият, мамлакат, атроф-муҳит тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Ҳар бир бола алоҳида ҳолда ўсади ва ривожланади, бироқ шунга қарамай барча болалар ривожланишнинг маълум кетма-кетликдаги босқичларидан ўтадилар. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида бир хил ёшдаги болалар учун умумий бўлган хусусиятлар кузатилади.

Ривожланиш соҳасидаги изланишлар шундан далолат берадики, бола ҳаётининг дастлабки тўққиз йили ўсиш даврининг муайян давомийлигида ўтади, бу умумий ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган босқичдир. Бу босқичлар ривожланишнинг ҳар бир соҳасидаги ўзгаришлар билан ажралиб туради: жисмоний, ҳиссий, ижтимоий ва когнитив. Болалар ўсишининг ўзига хослиги тўғрисидаги билимлар тарбиячиларга таълим муҳитини яратишга ва фаолиятнинг мувофиқ турларини режалаштиришга таянч бўлиб хизмат қилади. Ривожланиш хусусиятларига мос келиш усулларини муваффақиятли қўллаш учун тарбиячилар меъёридаги ривожланишнинг бориши тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари керак. Бунда тарбиячилар шуни ёдда тутишлари лозимки, болалар ривожланишнинг бир хил босқичини босиб ўтишларига қарамасдан, уларда бу жараён бир вақтнинг ўзида кечмайди. Бир хил ёшдаги болаларда ўзига хос индивидуал фарқлар бўлиши муқаррар.

Онтогенезда 3 дан 7 ёшгача бўлган давр боғча ёши даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга (3-4 ёш) кичик мактабгача даври (4-5 ёш) кичик боғча ёши ўрта мактабгача давр (ўрта боғча ёши) 6-7 ёш ва катта мактабгача давр катта боғча ёшиларга ажратиш мумкин.

Бола ривожланиш жараёнида кишилик авлоди томонидан яратилган предмет ва ҳодисалар олами билан муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-

харакатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак. Асосан, шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшдаги болаларга бериладиган тарбия, уларнинг мураккаб ҳаракатларини ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик дидининг дастлабки куртакларини ҳосил қилиш давридир.

Машҳур рус педагоги Лесгафтнинг фикрича, инсоннинг боғча ёшидаги даври шундай бир босқички, бу даврда болаларда характер хислатларининг намуналари шаклланиб, ахлоқий характернинг асослари юзага келади¹.

Боғча ёшдаги болаларнинг кўзга ташланиб турувчи хусусиятларидан бири, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тақлидчанлигидир. Бола табиатининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз фаолият кўрсатишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва сурункалилигидан толиқади.

Катталар ва тенгдошлари билан бўлган муносабат орқали бола ахлоқ меъёрлари кишиларни англаши, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Боғча ёшидаги бола энди ўз гавдасини яхши бошқара олади. Унинг ҳаракати мувофиқлаштирилган ҳолда бўлади. Бу даврда боланинг нутқи жадал ривожлана бошлайди. У янгиликларни эгаллашга нисбатан ўзи билганларини мустаҳкамлашга эҳтиёж сезади, ўзи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик, шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир.

Боғча ёшидаги болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. Бу аввало кенг доирага чиқиш эҳтиёжи, муносабатда бўлиш, ўйнаш эҳтиёжларининг мавжудлигидир. Боғча ёшидаги болалар нутқни бир мунча тўла ўзлаштирганлари ва ҳаддан ташқари ҳаракатчанликлари туфайли

¹ Davletshin M.G., Sh.Do'stmuhamedova, M.Mavlonov, S.To'ychiyeva "Yosh davrlari va pedagogik psixologiya" o'quv metodik qo'llanma. T.: 2004. 118 b.

уларда ўзларига яқин бўлган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Улар тор доирадан кенгрок доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар. Улар энди кўни-қўшниларнинг болалари билан ҳам жамоа бўлиб ўйнашга ҳаракат қиладилар.

Ҳамма нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Боғча ёшидаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бири, унинг ҳар нарсани янгилик сифатида кўриб, уни ҳар томонлама билиб олишга интилишидир.

Боғча ёшидаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатидан ўсишида қизиқишнинг роли каттадир. Қизиқиш худди эҳтиёж каби, боланинг бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам қизиқишни билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ҳодиса деса бўлади.

Боланинг камол топишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишига интилади ва узоқ вақт давомида қизиққан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди. Бу эса ўз навбатида боланинг диққати ҳамда иродаси каби муҳим хислатларни ўстиришга ва мустаҳкамлашига ёрдам беради.

Уч ёшдаги болаларнинг умумий тавсифи. 3 ёшдан 4 ёшгача бўлган болалар бир вақтнинг ўзида тажовузкор, мулойим ва кўпол бўлишлари мумкин. Улар ўзларини ўраб турган борлиқни тушунишга ҳаракат қиладилар. Уларда ўз шахсий ҳаёлларини аниқ борлиқдан ажратишлари қийин кечади. Улар ўз ҳаракатлари маълум оқибатларга олиб келишини тушуна бошлайдилар ва ўзлари учун хулқ-атвор чеклашларини ўрнатишга ўрганадилар. Бунда ана шу ёшдаги гуруҳ болаларида бошқалардан фарқ қилувчи қуйидаги ҳолат намоён бўлади: ҳозирча улар тобе ва итоаткор эканлигини намоён қилаётган бўлсалар, бир дақиқадан сўнг талабчан ва инжиқ бўлиб қоладилар.

Уч ёшли болалар нутқ кўникмаларини жадаллик билан ривожлантирадилар, бунда улар болалар учун хос бўлган тилдан меъёрий тавсифий тилга ўтиб-қайтиб турадилар. Улар қайсидир топшириқни ҳал қилиш чоғида ёки ўйин пайтида тез-тез овоз чиқариб ўзлари билан ўзлари

гаплашадилар. Бундай ёшдаги болаларда катта қувват (энергия) захираси бўлади, бироқ улар бу қувватни узоқ вақт бир ишга жалб эта олмайдилар. Одатда бундай болалар тез-тез бир машғулотдан иккинчисига ўтиб турадилар. Улар алоҳида ҳолда ва гуруҳда ўйнайдилар. Оила аъзоларини ҳисобга олмаганда тарбиячи бола мустақкам боғланиш ҳиссини туядиган биринчи катта ёшли кишидир.

Тўрт ёшли болаларнинг умумий тавсифи. 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар кўпинча ўзларини ҳар нарсага қодир ҳис этадилар ва ҳар қандай янги муаммоларни ҳал этишга киришадилар. Бошқа кичик ёшдаги болалардан фарқ қилган ҳолда бу ёшдаги болалар барча қатнашчиларга ўзаро тушунарли бўлишини талаб этадиган мураккаб гуруҳ ўйинларини ўйнайдилар. Улар ҳамдардлик намоён этадилар, ўзлари ва бошқа кишиларнинг ҳис-туйғулари тўғрисида сўзлай оладилар.

Бу ёш гуруҳидаги болалар чеклашларни текширувдан ўтказадилар ва шунга мос тарзда ўз хулқ-атворларини ўзгартирадилар. Уларнинг ўзлари осонгина ёлғон гапирадилар, бироқ катталар ёлғон гапирганларида қаттиқ жаҳллари чиқади.

4 ёшли болаларнинг диққатни бир ерга жамлаб олишлари мумкин бўлган оралиқ вақт аввалгига нисбатан қисқа бўлса-да, улар муаммоларни ҳал этиш учун маълум тажрибага эгадирлар. Агар машғулот мавзуи улар учун қизиқарли бўлса болалар диққатни бир жойга узоқ вақт жамлаб тура оладилар. Бундан ташқари улар бир машғулотдан олган тажрибаларини бошқа машғулотга кўчирган ҳолда уларни умумлаштириш қобилиятига эгадирлар.

Бу ёшдаги болаларни ўз таналари ва бошқалар таналарининг жисмоний ҳолати жуда қизиқтиради: улар таналаридаги тирналиш ва шилинишлардан жуда хавфсирашлари, ташвишланишлари мумкин. Улар кўп нарсалардан кўрқадилар, кўрқинчли тушлар кўрадилар.

4 ёшли болаларда умумий ҳаракатланиш (моторика) соҳасидаги кўникмалар тез ривожланади, улар жисмоний фаолликни доимий равишда

намойиш этадилар. Уларнинг қуввати тугамайдигандай туюлади. Уларнинг луғат захираси кенгаяди, болалар тўғри тузилган жумлалар билан гапирадилар ва анча мураккаб грамматик қурилмалардан фойдаланадилар.

Беш ёшдаги болаларнинг умумий тавсифи

5 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар аксарият ҳолларда ёқимтой бўладилар ва катталарга ёқишга интиладилар. Улар етарли даражада ижтимоийлашган ва бир вақтнинг ўзида 3-4 нафар тенгдошлари билан ўйнайдилар. Болалар бу ёшда ўйин бўйича ўртоқлари ўз ҳамжинслари бўлишини маъқул кўрадилар. Уларда юмор туйғуси мавжуд бўлиб, тез-тез жўнгина ҳазилларни ўйлаб топадилар ва уларни қайта-қайта такрорлайдилар. Уларга ўйнаш ёқади, бироқ, улар албатта ёлиб бўлишни истайдилар ва устунликка эришиш учун ўйин давомида ўз манфаатига тез-тез қоидаларни ўзгартирадилар.

Бундай ёш гуруҳдаги болалар диққатни узоқ вақт бир жойга жамлашлари мумкин. Уларда фикрлаш ва муаммоларни ҳал этиш кўникмалари нисбатан юқори даражага кўтарилади. Бола топшириқни бажаришга чоғланиши мумкин ва уни белгиланган талаблар асосида уддалашга ҳаракат қилади. Беш-олти ёшли болаларда нутқ яхши ривожланган бўлади: улар гапиришни, сўз ўйинларини яхши кўрадилар ва уларни аниқ ифодалайдилар. Улар анча мураккаб жумлалар билан гапирадилар ва нутқий хатоларни ўзлари тузатадилар.

Бундай ёш гуруҳидаги болалар жисмоний жиҳатдан олганда жуда ҳаракатчан бўлади, улар жисмоний машқлар ва мунтазам спорт машғулотларига қизиқа бошлайдилар. Уларнинг ҳаракатланиш (моторика) кўникмалари такомиллашади: улар кийиниш, қоғоздан ҳар хил шаклчалар қирқиш, расм солиш ва ёзишда камроқ қийинчилик сезадилар.

Бола ўзининг ўтмишига тушунган ҳолда муносабатда бўла бошлайди, унга “улар ҳали кичкина бўлган” вақтдаги турли тарихларни айтиб бериш ёқади.

Болалар 5-6 ёшларида навбати билан ҳали кўнгилчанлик, ҳали кўнгилсизликни намоиш этади. Улар сўзма-сўз ва аниқ ифодалай оладилар, уларга ташкилий тизими ва давомийлик ёқади.

1.3 Мактабгача таълим ёшидаги боланинг интеллектуал ривожланиши

Aksariyat hollarda bolaning intellektual rivojlanganlik darajasi haqida gapirilganda uning soʻz boyligi zaxirasi bilan aniqlanadigan aqliy bilimlari miqdoriga koʻproq eʼtibor beriladi. Ota-ona, xatto ayrim oʻqituvchilar ham bola qanchalik koʻp bilsa, u shunchalik rivojlangan boʻladi, deb oʻylaydilar. Aslida esa unday emas, fan-texnika, ommaviy axborot vositalarining keng tarqalganligi tufayli bugungi kun bolalari goʻyo maʼlumotlar ummonida suzib yurgandek boʻlmoqdalar. Bu esa ulardagi soʻz boyliklarning keskin oʻsishiga asos boʻlmoqda, lekin bu ularning tafakkuri ham shunday jadallikda rivojlanayapti, degan gap emas.

Maktabda amal qilinayotgan oʻquv dasturlarini oʻzlashtirish boladan narsalarni taqqoslay bilish, taxlil qilish, umumlashtirish, mustaqil xulosalar chiqarish kabi bilish jarayonlarining yetarlicha rivojlangan boʻlishini taqozo etadi. Shuning uchun ham hozirgi kunda maktab amaliyotchi psixologlari tomonidan bolalarni birinchi sinfga qabul qilish jarayonida keng foydalanilayotgan psixodiagnostik vositalar, testlar, soʻrovnomalar, asosan bolada yuqorida keltirib oʻtilgan xususiyatning rivojlanganlik darajasini aniqlashga moʻljallangan metodikalardan iboratdir.

5-7 yosh bolaning maktabga intellektual (aqliy) tayyorligining yana muhim koʻrsatkichlaridan biri bu ulardagi obrazli tafakkurning oliy darajada rivojlanganligidir. Bularga tayangan xolda bola atrof-muhitdagi narsa-xodisalar oʻrtasidagi eng muhim xususiyatlarni, munosabatlarni farqlay olish imkoniyatiga ega boʻladi. Bu oʻrinda bolalar chizmalı tasvirlarni shunchaki tushunibgina qolmay, balki ulardan muvaffaqiyatli foydalana oladigan boʻladilar.

Biroq ularning tafakkuri umumlashtirish xislatlariga ega boʻla borsada, predmetlar va ularning (tafakkuri) oʻrnini bosuvchilar bilan aniq xatti-harakati obrazliligicha qolaveradi.

Maktabgacha yosh davridayoq bola kichik maktab yosh davrida yetakchi faoliyat turi bo'ladigan – o'quv faoliyatiga tayyorlangan bo'lishi lozim. Bunda bolada ma'lum bir tegishli masalalarning shakllangan bo'lishi muhim ahamiyatga ega. Bunday malakalarning asosiy xususiyatlaridan biri bolaning o'quv topshirig'ini ajratib olishi va faoliyatni mustaqil maqsadga aylantira olishidir. Bunday jarayonlar birinchi sinf o'quvchilaridan topshiriqda o'zi belgilagan o'zgarish, yangilik alomatlarini qidirib topa bilish va ulardan hayratlanishni, qiziqishni talab qiladi. Bunday topshiriklar amaliy ishlarga aylantirilsa yoki o'yin tarzida bajarilsa, osonroq kechadi va bola o'zlashtiradi.

Yuqorida to'xtalib o'tganimiz intellektual tayyorlik bolaning maktabda muvaffaqiyatli o'qib ketishi uchun yagona zamin emas.

Maktabga aqliy tayyorlikning muhim tarkibiy qismi maktabga o'qishga kirayotgan bolada atrof, dunyo haqida yetarlicha keng bilish boyligining mavjud bo'lishidir. Bilimlarning bu fondi o'qituvchi o'z ishini tashkil etishda tayanadigan zarur asos hisoblanadi.

Bolani maktabga aqliy tayyorligida bolalar egallagan bilimlarning sifati ahamiyatlidir. Bilimlar sifatining ko'rsatkichi birinchi navbatda ularni bolalar tomonidan ongli egallaganligi; tasavvurlarining aniq va tabaqalashtirilganligi; oddiy tushunchalar mazmuni va xajmining to'liqligi; o'zlariga tushunarli o'quv va amaliy vazifalarni xal etishda bilimlarni mustaqil qo'llana olish qobiliyatlari; muntazamlilik, ya'ni maktabgacha tarbiya yoshidagilarning narsa va hodisalar o'rtasidagi tushunarli, muhim aloqa hamda munosabatlarni aks ettira bilish qobiliyatidir.

Bolani maktabga aqliy tayyorgarligining tarkibiy qismi bola bilish faoliyatini muayyan darajada rivojlangan bo'lishidir. Bu o'rinda

Birinchidan bilish jarayonining o'sib boruvchi ixtiyoriyligi; materialni ma'no jixatdan ixtiyoriy eslab qolish va takror ifodalash, narsa va xodisalarni rejali idrok etish, qo'yilgan bilish va amaliy masalalarni maqsadga muvofiq xal etish qobiliyati va shu kabilar;

Ikkinchidan bilish jarayonlari sifatini oshirish: sezgilarning aniqligi, idrokning to'liq va tabaqalashtirilganligi, eslab qolish va takror ifodalashning tez va aniqligi;

Uchinchidan bolada atrof dunyoga bilish munosabatlari, bilimlarni egallash va maktabda o'qishga intilishning mavjudligi muhim ahamiyat kasb etadi.

Maktabga aqliy tayyorlikni shakllantirishda bo'lajak o'quvchini tafakkur faoliyatining umumiy darajasi muhim ahamiyatga ega. Bolalar bog'chasining bolalarni aqliy tarbiyalashga oid olib borayotgan muntazam, maqsadga muvofiq ish sharoitlarida bolalarda (faoliyat) tafakkur faoliyatida narsalarning ko'p tomonlama tahlil qilish qobiliyati, ijtimoiy tarkib topgan sensor etalonlardan fan hamda xodisalar xususiyat va sifatlarini tadqiq qilishda foydalana bilish narsa va xodisalardagi asosiy aloqa, bog'liqlik, belgilarni aniqlash asosida oddiy umumlashtirishlar qilish qobiliyati, o'xshashlik va farqlanuvchi belgilarni izchil ajratish asosida narsalarni qiyoslashni amalga oshirish ko'nikmasi tarkib toptiriladi.

Bo'lajak o'quvchilarda aqliy faoliyatning elementar mustaqilligi: o'z amaliy faoliyatni mustaqil rejalashtirish va uni reja asosida amalga oshirish ko'nikmasi, oddiy bilish vazifasini qo'yish va uni xal etish ko'nikmasi va shu kabilar rivojlantiriladi.

Maktabda aqliy tayyorlik, shuningdek bolalar tomonidan o'quv faoliyati elementlarini egallab olinishini ham o'z ichiga oladi.

Bolalar muntazam ta'lim sharoitlarida maktabgacha bolalik oxiriga kelib, o'quv faoliyatining asosiy tarkibiy qismlarini: tushunarli o'quv vazifasini qabul qilish, tarbiyachining ko'rsatmalarini tushunish va aniq bajarishni ishni kattalar tomonidan ko'rsatilgan usullaridan foydalanib bajarib bir natijaga erishish, o'z faoliyati, xulq-atvori, topshiriqlarni bajarish sifati ustidan nazorat qilish ko'nikmasini, o'zining va boshqa bolalarning ishlariga tanqidiy baho berish qobiliyatini, egallab olishlari kerak.

Nutqni qanchalik yuqori darajada rivojlangan bo'lishi bolani maktabga aqliy tayyorgarligining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Tovushni aniq talaffuz qilish,

lug'atning boyligi, o'z fikrini mantiqiy grammatik to'g'ri bayon qila bilish, madaniy nutq muomalasi – bularning barchasi maktabda muvaffaqiyatli o'qishning zaruriy sharti hisoblanadi.

Aqliy tayyorlik tarkibiga shuningdek, savodning boshlang'ich asoslari oddiy matematik tasavvurlar, ona tili etarlicha keng bilim, ko'nikma va malakalar doirasi ham kiradi.

Shunday qilib, maktabdagi o'qishga aqliy tayyorlik bolalarni aqliy va nutqiy rivojlantirishning o'zaro bog'langan tarkibiy qismlardan tarkib topadi. Bilish faoliyati, bilish qiziqishlari, bola tafakkuri usullari, atrof dunyo haqidagi anglangan sistemalashtirilgan tasavvurlar hamda elementar tasavvurlar, nutq va elementar o'quv faoliyati umumiy darajasining birligi bolalarda maktabdagi o'quv materialini egallashga aqliy tayyorlikni vujudga keltiradi.

Боб бўйича хулосалар

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Республикада идоравий бўйсунishi ва мулкчилик шаклидан қатъий назар мактабгача таълим тизими ҳамда оилаларда болани тўлақонли тарбиялаш, таълим бериш ва ривожлантириш, уни мактабга самарали тайёрлашда қўлланиши мажбурий бўлган давлат ҳужжатидир.

Ҳар бир бола алоҳида ҳолда ўсади ва ривожланади, бироқ шунга қарамай барча болалар ривожланишнинг маълум кетма-кетликдаги босқичларидан ўтадилар. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида бир хил ёшдаги болалар учун умумий бўлган хусусиятлар кузатилади.

Ўйин мактабгача ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин болаларнинг келажакдаги ўқув ва меҳнат фаолияти, кишиларга тмуносабатнинг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. Ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.

II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ЎЙИНИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ

2.1 Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясида қўлланиладиган ўйин-машғулотларининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари

Ўйин мактабгача ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин болаларнинг келажакдаги ўқув ва меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатнинг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. Ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.

Mashg‘ulotlar – MTMda o‘qitishning tashkil etish formasidir. Ular maktabgacha tarbiya yoshidagi hamma bolalar uchun majburiy; ular uchun dastur mazmuni belgilangan, kundalik rejimida doimiy vaqt ajratilgan, ularning qancha vaqt davom etishi tayinlangan.

Mashg‘ulot tarbiyachi tomonidan bolalarga kerakli bilim va malakalarni umumiy holda xabardor qilish demakdir.

Бола боғча ёшига етгач, унинг психик тараккиётида жиддий узгаришлар юзага келади. Чунки худди ана шу даврдан бошлаб боланинг мустакил фаолияти кучая бошлайди. Боғча ёшидаги боланинг барча психик жараёнлари жадал ривожлана бориб унинг ташки мухит билан муносабатларида анчагина узгаришларни юзага келтиради. Боғча ёшидаги даврда айрим психик жараёнларнинг ривожланиши билан бирга уларнинг шахси ва шахсий хислатлари ҳам таркиб топа бошлайди.

Боғча ёшидаги болалар учун мавхум назарий фаолиятнинг, яъни назарий юл билан билиш фаолиятининг булиши мумкин эмас. Бу ёшдаги болаларнинг атрофдаги нарсаларни билиш фаолиятлари факат бевосита харакат шаклида булади. Болалар атрофларидаги катталар учунгина мансуб булган, хали узларининг кучлари хам, акллари хам етмайдиган жуда куп нарсаларни факат уйин фаолияти

оркали узлаштирадилар. Уйин оркали вокейликдаги нарса ва ходисаларни биладилар. Уйин теварак атрофдаги нарсаларни билиш воситаси эмас балки кудратли тарбия воситасихамдир. Болани уйин оркали ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний хислатларни ҳам тарбиялаш лозим.

Профессор Е.А.Аркин боғча ёшидаги болалар уйинининг куйидаги тахминий класификатсиясини беради.

1. Болаларнинг маълум психик жараёнларни таккомиллаштиришга қаратилган уйинлар:

А) хиссий сезги органларини таккомиллаштирувчи уйинлар;

Б) ҳаракатли(спорт уйинлар);

В) эстетик уйинлар;

2. Техникавий уйинлар;

А) индустриал уйинлар;

Б) кишлок хужалиги уйинлари;

В) касб билан боғлиқ уйинлар;

Г) қурилиш уйинлари;

3. Ҳаётӣ ва ижтимоӣ-сиёсий уйинлар;

А) оила ҳаётига доир уйинлар

Б) боғча мактаб уйинлари;

В) ижтимоӣ ҳаёт билан боғлиқ уйинлар;

Г) ижтимоӣ сиёсий уйинлар;

4. Ҳарбий уйинлар.

А) аскар уйини ;

Б) матрос уйини;

В) уруш уйини;

5. Драматик уйинлар

А) театр уйини;

Б) кино уйини;

В) сирк уйини.

Маълумки дидактик уйинлар (лото расмли кубиклардан хар турли курунишлар чикара олиш ,сон санок ,мозаика, шашка, топишмоклар каби) боғчада махсус программа билан олиб борадиган машгулотларни мувафокиятли утказишга куп жихатдан ёрдам беради.

Болалар боғчада асосан сюжетли ва ролларга булиниб уйналадиган уйинларни уйнайдилар.Ролларга булиб уйналадиган уйинларда болалар теварак –атрофдаги мухитдаги нарсаларни акс эттирадилар.

Шундай килиб турли ёшдаги боғча болаларининг уйин фаолиятлари уларнинг барча акс эттириш, яъни психик жараёнларини, аклий имкониятларини, шахсий психологик сифатларини, характер хислатларини таркиб топтириб, ривожлантиради.

Боғча ёшидаги болаларни аклий, ахлокий ва хусусан, эстетик жихатдан тарбиялашда тасвирлаш фаолияти жуда катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам боғча ёшидаги болаларнинг тасвирлаш фаолиятларини хар доим махсадга мувофик равишда педагогик жихатдан тугри ва кизикарли ташкил килишга эътибор билан караш зарур. Боғча ёшидаги болаларнинг психик жихатдан ривожланишларида тасвирлаш фаолиятларининг роли каттадир. Боғча ёшидаги болалар узларининг тасвирлаш фаолиятларида ҳам кандайдир гайри табиий, хаёлий нарсаларни эмас балки ташки мухитни, ундаги нарсаларни, жониворларни акс эттиришга интиладилар.

Боғча ёшидаги болалар рангли каламлар, рангли буёклар билан расм чимзиш ва рангли коғозлардан турли аппликатсиялар тайёрлаш билан узок муддат давомида шугулланишни ёктирадилар. Болаларнинг тасвирлаш фаолияти хаёл ва хиссий жараёнларига жиддий таъсир килади. Тасвирлаш фаолияти оркали килинган ишларини чизган расмларини кузга куринадиган жойга намоиш килиб куядилар.

Болаларнинг тасвирлаш фаолиятлари асосан урта ва катта группадан бошланади.

Шуни таъкидлаб утиш жоизки, боғча ёшидаги болаларнинг куриш ясаш уйинлари уларнинг кузатувчанлиги ва тафаккурнинг ривожланишида

алохида ахамиятга эгадир. Хар холда куриш ясаш фаолияти болаларнинг идроки, диккати, кузатувчанлиги, хотирасини ҳамда тафаккур килиш жараёнларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Психологлар ўйинни боғча ёши даврида етакчи фаолият деб ҳисоблайдилар. Ўйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади. Ўйнаётган болани кузатиб унинг кизиқишларини, теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурларини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олиш мумкин.

Ўйин болаларни жисмоний томондан тарбиялаш тизимида, матабгача таълим муассасасининг таълим-тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тамондан тарбиялашда катта ўрин тутаети.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шундай экан, ҳар бир ўйини-машғулотини тўғри режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўйин машғулотларни режалаштираётганда ҳар доим мақсадни ҳамда машғулотдан кутилаётган натижаларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан сўнг мақсадга эришиш учун қайси ўйин, топшириқ ёки машқдан фойдаланса яхшироқ самара бериши аниқлаб олинади. бунинг учун қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

- Танлаб олинган маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда кетма-кетлиги;
- Соддадан мураккабга қараб интилиш;
- Турли хиллиликка эътибор бериш (нутқий фаолиятни турли ҳаракатлар билан, тинч ўйинларни ҳаракатли ўйинлар билан уйғунлаштириб туриш);
- Гуруҳий ёки кичик гуруҳлар учун машғулотларни ташкил қилиш. Тарбиячи қачон катта гуруҳ билан ҳамда қачон кичик (6-8 боладан иборат гуруҳ) гуруҳ билан ишлаш лозимлигини ҳал этмоғи даркор;

- Машғулотларнинг вақт чегараларини аниқлаб олиш (қайси вақтда болалар билан шуғулланасиз ва қанча вақт давомида).

Машғулотлар давомида болалар ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлганларидагина машғулотларга бўлган қизиқишлари ва ўзаро ишончлари ошиб боради.

Гуруҳий ўйин-машғулотлари режаларига машғулот бошида ҳам машғулот давомида ҳам ўзгартиришлар киритиб бориш мумкин.

Ўйин-машғулотларнинг қатор тамойиллари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Ўйинларда эркин иштирок этиш.
2. Ўзаро ҳурмат.
3. Ўйин қоидаларини англаб олиш.
4. Рефлексия.

Ўйинда эркин иштирок этиш тамойили – агар ўйин қизиқарли ва кувноқ кайфият бағишловчи бўлса, ҳар бир бола бу ўйинда иштирок этишга интилади. Қандайдир сабабларга кўра бола ўйинда иштирок этишдан бош тортса, у ўйнаши мумкин бўлган бошқа бир ўйинни таклиф этиш мумкин. Болаларга ўйиндан бемалол чиқишлари ва унга қайтишларига имконият яратиш лозим.

Ўзаро ҳурмат тамойили – бу ўзаро муносабатлардаги қоидага ўхшашдир, яъни ҳар бир ўйин иштирокчиси ўз фикрини эркин билдиришга, танлаш ҳуқуқига эга, ҳамманинг фикри эшитиб-тингланади.

Ўйин қоидаларни англаб этиш – машғулотни бошлашдан олдин болалар ўйин-машғулот мақсадлари, қоидалари билан таништирилади. Агарда болаларнинг айримлари бу нарсаларни англаб ермаса, ўйин-машғулотлар қоидалари такрор тушунтирилади.

Рефлексия – олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида қайта алоқа ўтказиш муҳимдир. Ўйин-машғулотни якунида бошловчи болалар билан хулоса ясайди. Болалардан кўпроқ нималар ёққани, нималар маълум бўлмагани ва нималарни ўрганганлиги сўралади.

Хулосадан кейин яқуний машқни бажариш мумкин. Масалан, болалар доира бўлиб туриб, кўлларини ушлашади. Ҳамма кўзини юмиб, ёқимли нарсалар ҳақида ўйлайди. Шундан сўнг бошловчи кўзини очади ва ўнг тамонидаги боланинг кўлини сиқиб қўяди. Бу бола ўз навбатида кўзини очиб, кўшнисининг кўлини сиқади. Машқ шу тариқа барча болалар кўзларини очгунларича давом этади. Охирида болаларнинг ҳаммалари бирон-бир кўшиқни куйлашлари ҳам мумкин.

Ҳамкорликда ўтказиладиган ўйинлар болаларнинг бир-бирларига яқинлашишларига, бирлашишларига ҳамда кайфиятни кўтаришга хизмат қилади. Айнан ўйинлар тарбиячига нисбатан болаларнинг ишончи ва мойилликларини қозонишга ёрдам беради.

Боғча ёшидаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар билан бевосита амалий муносабатда бўлишга интилади. Бу ўринда шу нарса характери, бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сиғадиган нарсалари билангина эмас, балки катталар учун мансуб бўлган, ўзининг кучи ҳам етмайдиган, ҳадди сиғмайдиган нарсалар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади. Масалан: бола автомашинани ёки трамвайни ўзи ҳайдагиси, ростакан отга миниб юргиси, учувчи бўлиб, самолётда учгиси ва ростакан ҳарбий бўлгиси келади. Табиийки бола ўзидаги бундай эҳтиёжларнинг биронтасини ҳам ҳақиқий йўл билан қондира олмайди. Бу ўринда савол туғилади: болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилик қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилик фақатгина биргина фаолият орқали, яъни, боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Буни қуйидагича изоҳлаб бериш мумкин²:

- биринчидан, болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга

² Davletshin M.G., Sh.Do'stmuhamedova, M.Mavlonov, S.To'ychiyeva "Yosh davrlari va pedagogik psixologiya" o'quv metodik qo'llanma. T.:2004. 118- b.

ундовчи сабаб (мотив) келиб чиқадиган натижа билан эмас, балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмунига боғлиқдир;

- иккинчидан эса, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб, хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар.

Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ривожланиши учун бирдан-бир воситадир. Ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом-хаёл суриш, дам олиш ва хушчақчақлик жараёнларининг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташқи муҳитдаги нарса ходисаларни билиш воситасигина эмас, балки кудратли тарбия воситаси ҳамдир, ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал хислатлари ҳам шаклланади.

Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила билишга боғлиқдир. Шундай қилиб, ўйин болалар ҳаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча, болалар ҳаёлининг ўзи, ўйин жараёнида юзага келиб, ривожланадиган нарсадир.

Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, фан-техника мислсиз ривожланаётган бизнинг ҳозирги даврда ҳайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гўё, бир мўжизадек кўринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшатма қилиб (яъни, аналогик тарзда), ҳар хил ҳаёлий нарсаларни ўйлаб топадилар (учар от, одам машина, гапирадиган дарахт кабилар). Бундан ташқари, болаларнинг турли ҳаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шунини англатади-ки, улар ўзларининг ҳар турли ўйин фаолиятларида фақат атрофларидаги бор нарсаларни эмас, балки айтиш чоғда эҳтиёжларини ҳам акс эттирадилар.

Болаларнинг ўйин фаолиятларида турли ҳаёлий ва афсонавий образларни яратишлари одамнинг (шу жумладан, болаларнинг ҳам) ташқи муҳитдаги нарса ва ходисаларни акс эттириши пассив жараёни эмас, балки фаол, ижодий яратувчанлик жараёни эканлигидан далолат беради,

Болалар ўйин фаолиятларининг яна бир хусусияти, ўйин жараёнида боланинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган ролларининг кўпинча умумийлик характериға эға бўлишидир. Буни шундай тушуниш керакки, бола ўзининг турли-туман ўйинларида фақат ўзига таниш бўлган ёлғиз бир шофёрнинг, врачнинг, милитсионернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-ҳаракатларниғина эмас, балки умуман шофёрларнинг, врачларнинг, тарбиячиларнинг ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиради. Албатта, турмуш тажрибалари ва фаолиятлари доираси чекланган кичик ёшдаги болалар (баъзан кичик гуруҳ болалари ҳам) ўзларининг ўйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадилар холос, Масалан, ойисини, дадасини, акасини, тарбиячисини ва шу қабиларни. Ўрта ёки катта боғча ёшидаги болаларнинг ўйинларида эға бундай образлар умумийлик характериға эға бўла бошлайди.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйинлари атрофдаги нарса ва ходисаларни билиш қуроли бўлиши билан бирға, юксак ижтимоий аҳамиятға ҳам эға. Ўзгача қилиб айтганда, ўйин қудратли тарбия қуролидир. Болаларнинг ўйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний хислатларни тарбиялаш мумкин. Агарда биз болаларнинг ўйин фаолиятларини ташқаридан кузатсак, ўйин жараёнида уларнинг барча шахсий хислатлари (кимнинг нимаға кўпроқ қизиқиши, қобилияти, иродаси, темпераменти) яққол намоён бўлишини кўрамиз. Шунинг учун болаларнинг ўйин фаолиятлари, уларнинг индивидуал равишда ўрганиш учун жуда қулай воситадир. Кичик мактабгача ёшдаги болалар одатда ўзлари ёлғиз ўйнайдилар. Предметли ва конструкторли ўйинлар орқали бу ёшдаги болалар ўзларининг идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ҳамда ҳаракат лаёқатларини ривожлантирадилар. Сюжетли-ролли ўйинларда болалар, асосан, ўзлари ҳар

куни кўраётган ва кузатаётган катталарнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирадилар. 4-5 ёшли болаларнинг ўйини аста-секинлик билан жамоа шаклидан хислатларга эга бўлиб боради.

Болаларнинг индивидуал хусусиятларини, хусусан, уларнинг жамоа ўйинлари орқали кузатиш қулайдир. Бу ўйинларда болалар катталарнинг фақат предметларга муносабатини эмас, балки кўпроқ ўзаро муносабатларини акс эттирадилар. Шунингдек, жамоа ўйинларида болалар бир гуруҳ одамларнинг мураккаб ҳаётӣ фаолиятларини акс эттирадилар. Масалан, «поезд» ўйинини олайлик. Бунда машинист, паровозга кўмир ёқувчи, проводниклар, контролёр, кассир, станция ходимлари ва йўловчилар бўлади. Болаларнинг мана шу каби жамоа ўйинлари артистларнинг фаолиятига ўхшайди. Чунки, жамоа ўйинидаги ҳар бир бола ўз ролини яхши адо этишга интилиши билан бирга, ўйинни умумий мазмунидан ҳам четга чиқиб кетмасликка тиришади. Бу эса, ҳар бир боладан ўзининг бутун қобилиятини ишга солишни талаб этади. Маълум ролларга бўлинган жамоа ўйин, болалардан қатъӣ қоидаларга бўйсуншини ва айрим вазифаларни талаб доирасида бажаришни тақозо этади. Шунинг учун болаларнинг бундай жамоа ўйинлари психологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки, бундай ўйинлар болаларда иродавийлик, хушмуомалалик, ўйин қоидаларига, тартиб-интизомга бўйсуниш ва шу каби бошқа ижобӣ хислатларни тарбиялайди ва ривожлантиради.

Катта боғча ёшида сюжетли-ролли ўйинлар эса энди ўз мавзусининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан фарқланади. Бу ўйинлар жараёнида болаларда сардорлик хусусияти юзага кела бошлайди, уларда ташкилотчилик кўникма ва малакалари ривожлана бошлайди.

Мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган ижодӣ фаолиятлар орасида тасвирий санъатнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. Боланинг тасаввур этиш характериға кўра, унинг атроф ҳаётни қандай идрок этиши, хотира, тасаввур ва тафаккур хусусиятларига баҳо бериш мумкин. Катта

боғча ёшидаги болалар чизган расмлар уларнинг ички кечинмалари, рухий ҳолатлари, орзу, умид ва эҳтиёжларини ҳам акс эттиради,

Бу ёшдаги болалар расм чизишга ниҳоятда қизиқадилар. Расм чизиш болалар учун ўйин фаолиятининг ўзига хос бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бола аввало кўраётган нарсаларини, кейинчалик эса ўзи биладиган, хотирасидаги ва ўзи ўйлаб топган нарсаларни чизади.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақа жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болаларнинг учун энг яхши дақиқалари ва муваффақият билан боғлиқ бўлган мусобақа ўйинларининг аҳамиятлигидир.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақалар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш мотивлари шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болалар учун энг ёқимли вақт - ютиш ва муваффақият бўлган мусобақа ўйинларининг ҳам аҳамияти жуда катта.

Катта боғча ёшида қуриш ўйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятига айланиб боради. Ўйинда бола содда меҳнат кўникма ва малакаларини эгаллай бошлайди. Предметларнинг хоссаларини англай бошлайди, амалий тафаккур намуналари ривожлана боради.

3-7 ёшли болаларнинг психик ривожланишида бадиий-ижодий фаолият тури бўлган мусиқанинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Мусиқа орқали болалар ашула айтишга, мусиқа охангига мос – ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар. 3-7 ёшлик даврида болаларнинг асосий фаолияти қуйидаги кетма-кетликда кечади:

- предметларни ўрганиши;
- индивидуал предметли ўйинлар, жамоа сюжетли-ролли ўйинлар;
- индивидуал ва гуруҳий ижод;
- мусобақа ўйинлари;
- мулоқот ўйинлари;
- уй меҳнати.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари ҳақида гапирар эканмиз, албатта уларнинг ўйинчоғи масаласига ҳам тўхтаб ўтиш керак.

Болаларга ўйинчоқларни беришда уларнинг ёш хусусиятларини, тараққиёт даражаларини ва айти пайтда уларни кўпроқ нималар кизиқтиришини ҳисобга олиш керак.

Маълумки, 1-3 ёшдаги болалар ҳали ташқи муҳитни жуда оз ўзлаштирган бўладилар. Улар ҳали кўп нарсаларнинг рангини, ҳажмини ҳам яхши ажрата олмайдилар. Шунинг учун уларга қўғирчоқ билан бирга ҳар хил рангли кийим, лахтак матолар ҳам бериш керак. Айтик, киз болалар ўз қўғирчоқларини ҳар хил рангли матоларга ўраб, рўмол қилиб ўратиб машқ қиладилар. Ўғил болаларга эса, ҳар хил рангли, бир-бирининг ичига сиғадиган қутича ўйинчоқларни бериш фойдалидир.

Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли бўлган таълим фаолиятига тайёрлайди. Одам бирданига ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга кириша олмайди. Ижтимоий тажрибаларни фаол эгаллаши учун одам, аввало, етарли даражада нутқни эгаллаган бўлиши, маълум малакалар, уқувлар ва содда тушунчаларга эга бўлиши керак бўлади. Буларга бола юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ўйин фаолияти орқали эришади.

2.2 Мактабгача таълим ёшидаги болалар билан ўтказиладиган интеллектуал ривожлантирувчи ўйин-машғулотлар

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг intellektual ривожланганлиги fikrlash, umumlashtirish, taqqoslash, ularni guruhlashtirish, xulosa qilish jarayonlarining rivojlanishi bilan bog'liq. Bolaning obrazli, fazoviy tasavvuri, nutqi va bilish faolligi rivojlangan bo'lishi muhim.

Intellektual ривожланганlikni aniqlashni psixik jarayonning ajralmas qismi bo'lgan xotira jarayonini tekshirishdan boshlash mumkin. Mexanik xotira – 10 ta ixtiyoriy so'zlar qatori (olma, kitob, qalam, daraxt, suv, oyna, yomg'ir, mashina, samolyot, bahor) aytiladi va boladan so'zlarni qaytarishi, muddat o'tgandan keyin ana shu so'zlarni qaytarishi so'raladi. Ko'rish xotirasining rivojlanganligi, ko'rganini yodda saqlash va uni so'z orqali yoki amalda ifodalash, ko'rsatish – rasmlar yordamida so'zlarni eslab qolish vazifasi beriladi: bola har bir so'z yoki iboraga o'zi tushunadigan rasm chizishi kerak bo'ladi va 1-1,5 soatdan keyin chizgan rasmlarini qo'lga oladi va har bir rasm qaysi so'z uchun chizilganini eslaydi.

Fazoviy tasavvurning rivojlanganlik darajasi turli usullar yordamida aniqlanadi. A.L.Vengerning «Labirint» metodikasi samarali va qulaydir. Bola labirint bo'yicha belgilangan uychaga yo'lni topishi kerak. Bunda unga obrazli ko'rsatkichlar yordam beradi (daraxtlar, gullar, qo'ziqorinlar). Bola labirint va sxema bo'yicha harakatlanish yo'nalishini tasavvur qilishi kerak.

So'z-mantiqiy tafakkurning rivojlanganligini aniqlash uchun keng tarqalgan «Mazmunan bir syujetli rasmlar asosida hikoya tuzish» metodikasidan foydalanish mumkin. Bolaning oldiga mazmunan bir syujetli (bir voqeani ifodalovchi) bo'lgan bir necha qismdan iborat rasmlar tartibsiz yoyib qo'yiladi. Bola rasmlarni diqqat bilan ko'rib, voqealar qanday rivojlanganligini aytib berishi kerak.

Maktabga yetuklik darajasini aniqlashga yo'naltirilgan keng tarqalgan Kern-Yirasik metodikasi bolalarning umumiy rivojlanganlik darajasini aniqlash, saralash

imkoniyatini beradi. N.I.Gutkinaning «Uycha» rasmi metodikasi, A.L.Venger va D.B.El'koninning «Grafik diktant» metodikalarini ham amalda qo'llash mumkin.

Biz amaliyot davrida maktabgacha ta'lim muassasalarida maktabga tayyorlov guruhi bolalarining intellektual rivojlantirishga oid ўyinlar, hamda ayrim psixologik treninglarni olib bordik va ularning natijalarini pedagogik-psixologik jihatdan tahlil qildik. Quyida ana ўtkazilgan ўyinlardan namunalар келтирамиз.

“Учинчиси ортиқча”

(3-5 ёшгача бўлган болалар учун)

1. Катталар учта сўз айтишлари керак. Масалан, “бургут”, “чумчуқ”, “йўлбарс”. Бола айтилган сўзларнинг барчаси жонли эканлигини, лекин бургут ва чумчуқ – қуш, йўлбарс эса ҳайвон эканини айтиши керак.

2. Болага “сут”, “шарбат” ва “кулча” сўзини айтишингиз, бола эса буларнинг барчаси егулик эканини, лекин сут ва шарбат ичилишини, кулча ейилишини айтиши лозим. Бошида бола бу ўйинга унча тушунмаслиги мумкин, лекин сиз унга ёрдамлашиб нима жонли, нима жонсиз, ейиладиган, ичиладиган ва ҳоказолар тўғрисида маълумот бериб ўтишингиз керак. Биринчи ўйинда у бир нарсани, иккинчисида эса иккита нарсани билиб олади. Натижада болалар нафақат айтилган предметларнинг қандай ва нима мақсадда ишлатилишинигина эмас, балки мантиқий фикрлашни ҳам ўрганади.

Бу ёшдаги болаларни ҳаракатли ўyinлар билан ҳам ўзингизга жалб этишингиз мумкин. Масалан, самолёт қандай қанот ёзиб учишини, қандай товуш чиқаришини, айиқ полвон қандай юришини, овозининг йўғонлигини кўрсатиб, болалар билан хона бўйлаб юринг.

“Хотира ўйини”

(3-5 ёшгача бўлган болалар учун)

1. Стол устига бир неча предметни қўйиб қўйинг. Улар олти-йеттитадан ошмаслиги керак. Болалар бу предметларни кўриб олишига бир неча дақиқа

вақт берингда, предметларни устини ёпиб қўйинг. Болалар стол устида қандай предметларнинг борлигини бир неча сониядан кейин айтиши керак.

2. Болалар предметларни бир неча дақиқа кўриб бўлгач, кўзини юмиб туринг ва бир предметни олиб, қолганларининг жойини алмаштириб қўйинг. Болалар олиб ташланган предметнинг номини айтиб бериши лозим бўлади.

3. Стол устидаги предметларнинг бирини олиб ташламасдан, аксинча, яна бир предметни қўшиб қўйинг. Бу ўйин болаларнинг нафақат диққатини оширишга, балки хотирасини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради. Қизиқарли тамони шундаки, бу ўйин усули билан нафақат болаларнинг, балки катталарнинг ҳам диққат-еътибори, хотирасини текшириш мумкин.

Кечкурун барча оила аъзолари бир жойга тўпланганида катталар диққатини, хотирасини уларнинг кичкинтойлари ҳам текширишлари улар учун жуда мароқли бўлади.

“Ўрнингни топ!”

(3-5 ёшгача бўлган болалар учун)

1. Бу ўйин болаларни предметларни қайерга тегишли эканини аниқлашларига ёрдам беради. Бунинг учун сиз қошиқ, китоб, дарахт, ликопча, доска, қалам, сумка, жавон, лампа ва ҳоказоларнинг кичикроқ рангли суратлари ва каттароқ қилиб чизилган ошхона, табиат ва мактаб суратларини ёнма-ён қўйиб чиқишингиз керак. Шундан сўнг болалар кичикроқ ҳажмдаги предметлар қайерга тегишли эканлигини топиши керак.

2. Болаларга бундан ҳам қизиқарлироқ бўлиши учун ўрмон ва ҳовлили уй-жой ҳамда уй ва ёввойи ҳайвонлар тасвирланган суратларни чизинг. Барча расмларни аралаштириб чиқинг. Болалар ҳайвонлар уйда боқиладими ёки ўрмонда юрадими, шуни топиб ўрнига қўйишлари керак. Бу ўйин ўйналаётганда ўрмонда ва уйда яна қандай ҳайвонлар бўлиши мумкинлиги ҳақида айтиб ўтинг ва иложи борица уларнинг расмларини чизиб кўрсатинг. Кейинги сафар яна шу ўйинни ўйнаётганингизда уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларнинг қандай овоз чиқариши, қандай юриши ҳақида ҳам гапириб

беринг. Бу ўйин-машғулот болаларнинг ҳайвонот дунёси ҳақидаги тасаввурларини оширади.

“Бу нима?”

(3-5 ёшгача бўлган болалар учун)

5 ёшли болаларга унчалик мураккаб бўлмаган шаклларни нуқталар ёрдамида чизиб чиқинг. Болага эса бу нуқталарни бирлаштириш кераклигини тушунтиринг. Бола нуқталарни бирлаштириб бўлгандан сўнг унинг нима экалигини айтади ва ичини бўяб чиқади. Расмни бўяшдан олдин унинг ранги қандай бўлиши кераклиги ҳақида ҳам маълумот бериб ўтинг. Чизилган шаклни у ўзи истаган рангларда бўяшига ҳам имконият беринг. Муҳими, у турли ранглардан фойдаланиши керак.

“Доира” ўйини

Болалар доира бўлиб ўтириб оладилар. Бунда ҳар бир бола доирадаги қолган болаларни кўриб туриши лозим. Тарбиячи: “Ана энди ҳеч ким чеккада қолиб кетмаганлигини билиш учун, бир-биримиз билан кўзларимиз ёрдамида саломлашиб чиқамиз. Мен биринчи бўлиб бошлайман. Мен ҳамма билан саломлашиб бўганимдан сўнг менинг кўшним саломлашишини бошлайди”. Тарбиячи ҳар бир бола билан саломлашиб бўлгач, ёнидаги боланинг елкасини қоқиб кўяди. Шундан сўнг кейинги иштирокчи саломлашишини бошлайди. Ўйин шу тариқа охиригача давом этади.

“Кўзгу” ўйини

Тарбиячи: “Менимча, ҳар бирингизнинг уйингизда кўзгу бўлса керак, шундайми? Кўзгусиз кўринишимиз қандайлигини билиш қийин кечади. Хўш агар қўл остингизда кўзгу бўлмаса нима қилиш керак? Келинглари, бугун сизлар билан кўзгулар ўйинини ўйнаймиз. Ҳозир ҳар бирингиз ўзингизнинг жуфтингизни топиб, бир-бирингизга қараб туриб оласиз. Ким одам, ким кўзгу ролини бажаришини аниқлаб олинг. Кейин эса ролларингиз билан алмашасиз. Кўзгу одамнинг ҳар бир ҳаракатини аниқ такрорласин. Чунки ноаниқ ҳаракат қилувчи кўзгулар бўлмайди. Тайёرمىсиз? Қани бир ҳаракат қилиб кўрайликчи! ”.

Тарбиячи ўзига шерик топиб ўйинни қандай ўйнаш кераклигини болаларга кўрсатади. Шундан сўнг болалар мустақил ҳаракат қила бошлайдилар. Тарбиячи эса болаларнинг ҳаракатларини кузатиб боради. Қийналаётган жуфтликларга ёрдам беради.

“Шамол эсмоқда” ўйини

Болалар доира бўлиб стулларга ўтириб оладилар. Бошловчи: “Кийимида қизил ранг бўлганларга шамол эсмоқда”- дейди. Шунда кийимида қизил ранги бўлган болалар ўринларидан туриб, жойларини алмаштиришлари керак. Айнан шу пайтда бошловчи ўзига бўш стул топиб ўтириб олади. Стулсиз қолган бола бошловчилик қилади. Барча болаларни турғазиб юбориш учун “Бўрон бошланди” дейиш мумкин.

“Совға” ўйини

Ўйин аввалида тарбиячи: “Болалар, ким совға олишни яхши кўради? Сиз нимани яхши кўрасиз? Бугун сиз билан ўйлаб топилган совғалар бериш ва олиш ўйинини ўйнаймиз. Тасаввур қилинг, сиз хоҳлаган совғангизни дўстингизга тақдим этишингиз мумкин. Дўстингизга қаранг, унга нима совға қилган бўлар эдингиз? Келинг, доира бўйлаб бир-биримизга хатти-ҳаракатлар орқали совғалар тақдим этамиз. Совға олган киши миннатдорчилик билдиришни унутмасин”. Болалар бир-бирларига совға бериб бўлганларидан кейин, қайси совға энг ёқимлиси бўлди, совға бериш ёқимлими ёки олишми саволлари билан болаларга мурожаат қилиш мумкин.

“Нима думалайди?”

Бу ўйин болаларни нарсаларнинг шакли билан таништиради. Болалар билан қувноқ ўйин-мусобақа уюштиринг, ким ўз шаклини пол ёки столга ўрнатилган ўйинчоқ дарвозадан тезроқ думалатиб ўтказади. Думалатиш учун шарча ва кубни таклиф этинг. Аввалига болалар учун дарвозага нимани думалатиб киритишнинг фарқи бўлмас, лекин бир неча уринишдан сўнг у шарчани танлаган одам ютаётганини тушуниб қолади. Худди шу пайтда – нега айнан сен шу шаклни, шарни думалатмоқчисан? – деб сўранг. Унга ўз хатти-ҳаракатини асослаш, хулоса чиқаришига ёрдамлашинг. “Шарча

думалайди, кубик думаламай тўхтаб қолади”. Бола эътиборини кубдаги ўткир қирраларга қаратинг. Шарнинг текислигини, қирралари йўқлигини кўрсатинг. Шар ва куб тасвирини чизиб кўрсатинг. Расмда улар оддийгина доира ва тўртбурчак шаклида намоён бўлади. Болага шар ва куб расмини чизишни таклиф қилинг.

“Қўғирчоқни кийинтирамиз”

Кичкинтойлар нарсалар катталиги билан танишишда турли ўлчамдаги бир хил предметларни таққослашдан фойдаланадилар. Уларга 2 та қўғирчоқ (катта ва кичик) ва иккита кийим-кечак тўпламини тавсия этинг. Қайси кийим қайси қўғирчоққа тегишли эканлигини аниқлаш болаларга ҳавола этилади. Қўғирчоқлар совуқ еётгани, уларни кийинтириш лозимлигини айтинг. Агар болалар кийимларни тақсимлашда хато қилса, ҳечқиси йўқ. Кийимлар қўғирчоққа катта ёки кичик келганини болага кўрсатинг. Топшириқ тўғри бажарилгач, болаларни рағбатлантириб: - катта қўғирчоққа катта кўйлак, кичик қўғирчоққа кичик кўйлак кийдирдик – деб айтинг.

Агар сизда керакли ўлчамда қўғирчоқ ва кийим бўлмаса, уни бошқа нарсалар билан алмаштириш мумкин. Картон қоғоздан ясалган қўғирчоққа қоғоздан қирқилган кийим-кечак тайёрлаб бериш мумкин. Топшириқни бир оз мураккаблаштириш учун 3 та қўғирчоқ ва улар учун кийим-кечак тайёрлаш кифоя.

“Сичқончани яшир”

Болалар нарсаларнинг рангига эътибор қилишни ўрганишлари учун турли рангдаги қоғозлардан катта тўғри тўртбурчаклар тайёрланг, ҳар бир шакл ўртасидан дарча қирқинг. Тагига сичқон расми чизилган оқ қоғозни ёпиштиринг. Сичқон деразадан қараб турган бўлади. Деразадан каттароқ ўлчамда тўртбурчакли эшик тайёрланг. Болага ўйинчоқ мушукни кўрсатиб у сичқон овлагани кетаётганини айтинг. Ҳар бир сичқончани яшириш учун деразани шу рангдаги эшик билан ёпиш керак. Шунда мушук деразани пайқамай қолади. Мушук ухлаётганда болага сичқончаларни яшириш имконини беринг. Кейин мушукни овга чиқаринг. Агар бола топшириқни

нотўғри бажарган бўлса мушук сичқончани олиб кетади. Агар бу ҳол болани хафа қилса, хатосини тўғрилашга имкон беринг.

«Худди мендай бажар»

Болалар кетма-кет туришади. Ҳар бир орқадаги боланинг қўли олдидагисининг елкасида туради. Олиб борувчининг биринчи ишорасида биринчи бола ўнг қўлини юқорига кўтаради, иккинчи ишорада иккинчи бола қўлини кўтаради ва ҳоказо.

Ҳамма болалар ўнг қўлларини кўтарганларидан сўнг, худди ўша тартибда чап қўлларини кўтариш таклиф этилади. Кейинги ишора билан болалар аввал ўнг қўлларини, сўнггра чап қўлларини пастга туширадилар. Ўйин икки марта такрорланади, иккинчи мартасида тезлик оширилади, хатоликка ёъл қўйган бола ўйиндан чиқади.

Машқ ихтиёрсиз диққатни оширади.

«Ер, сув, ҳаво, олов»

Болалар давра куриб ўтирадилар. Олиб борувчи ўйин шарти билан таништиради: агар у «ер» деса, ҳамма қўлини пастга тушириши керак, агар «сув» деса қўлларини олдинга чўзади, «ҳаво» деганда қўлларини тепага кўтаради, «олов» сўзида ҳар икки қўл кафт ва билакларини ташқаридан ичкарига айлантирилади. Ўйин икки марта такрорланади, иккинчи марта адашган ўйиндан чиқади.

Машқ эшитиш ва ҳаракат сезгиларини, диққатни ривожлантиришга қаратилган.

О'xshashliklar (analogiya) metodikasi

Maqsad: Mantiqiy so'zlar bilan fikrlashni rivojlantirish darajasini aniqlash.

Testni yoritilishi: Mantiqiy bog'liqlik bo'lishi uchun, bolaga gapni tugatish taklif etiladi

Yo'riqnoma: Biz sen bilan hozir qiziqarli o'yin o'ynaymiz, “Gapni tamomla” deb ataymiz. Men gapni boshini aytaman, sen oxirigi so'zni aytasan. Harakat qilib ko'ramizmi.

1. Pomidor qizil, bodring esa ...

2. Baqlajon sabzavot, olma esa ...
3. Qush sayraydi, kuchuk esa ...
4. Daftar ingichka, kitob esa ...
5. Mashina yuradi, samalyot esa ...
6. Osmon moviy, o'tlar esa ...
7. Kaptar uchadi, baliq esa ...
8. Choy issiq, muzqaymoq esa ...
9. Qishda sovuq, yozda esa ...
10. O'g'il bolalar sochi kalta, qizlarning sochi esa ...

Baholash mezonlari

Yuqori daraja – 1 ball 9-10 gapni tugatan;

O'rta daraja – 2 ball 6-8 gapni tugatgan;

Kichik daraja – 3 ball 5 ta gapni tugatgan.


“9 Shakl” metodikasi

Maqsad: Ko'rib eslab qolishini rivojlantirish darajasini aniqlash.

Material: 9-10 geometrik shakllari bilan jadval. Bolani ish qog'ozi. Qora qalam.

Testni yoritilishi: Bolaga jadvalda tasvirlangan geometrik shakllarni eslab qolib, o'zining ish qog'ozida ularni chizish taklif etiladi.

Yo'riqnoma: Jadvalga qara. Unda ko'p geometrik shakllar chizilgan. Ularni eslab qol. Endi ularni o'z ish qog'ozida chizishga harakat qil.



Baholash mezonlari

Yuqori daraja – 1 ball Bola 8-9 geometrik shaklni tasvirlay olgan. Chiziqlar to'g'ri, uzluksiz.

O'rta daraja – 2 ball Bola 6-7 geometrik shaklni tasvirlay olgan. Chiziq uzilib qolgan, to'g'ri chiziqni chiza olmagan

Kichik daraja – 3 ball Bola 5 ta va undan kam shakllarni tasvirlay olgan.

“Erkin guruhlash” metodikasi

Maqsad: Mantiqiy fikrlash elementlarini rivojlantirish darajasini, umumlashtirish darajasini aniqlash.

Material: Predmetlar tasvirlangan kartochkalar to'plami (20-25). Rasmlarni shunday tashlash kerakki, ular natijasida guruh hosil bo'lsin. (har bir guruhda 4-5 rasmdan)

Testni yoritilishi: Bola rasmlarda tasvirlanganlarni taxlil qilish, alomatlarini aniqlash, klassifikaciya uchun asosni aniqlash va berilgan rasmlarni guruhlarga qo'shib chiqish kerak.

Yo'riqnoma: Bir biriga to'g'ri keluvchi rasmlarni shunday joylashtiringki, bir nechta guruh hosil bo'lsin.

Baholash mezonlari:

Yuqori daraja – 1 ball Bola tushunish alomatlari bo'yicha 4-5 guruhni ajratadi.

O'rta daraja – 2 ball Mavjud bo'lmagan alomatlari bo'yicha tanlash.
Masalan: (Nima uchadi? Kapalak, samolyot)

Kichik daraja – 3 ball Vazifani bajarilmasligi.

4 “Uycha” metodikasi

Maqsad: Bolani mo'ljalga olish, predmetlarni aniq ko'chirib olish qobiliyatlarini aniqlashyu qo'l motorikasi, erkin e'tiborni rivojlantirish xususiyatlarini aniqlash.


Material: Uycha chizilgan varaq, ish qog'oz, qora qalam.

Testni yoritilishi: Bolaga kartochkada tasvirlangan rasmni ko'chirib olish taklif etiladi. Bola shuni bajarib bo'lganligi haqida aytsa unga hammasi to'g'ri yoki noto'g'riligini tekshirib ko'rishni taklif etish kerak. Agar o'z ishida xatolarni aniqlasa, u holda unga xatolarni to'g'irlashga ruxsat beriladi. To'g'rilashlar ro'yxatga olinishi kerak.

Quyidagilarga ahamiyat berish kerak:

- Bola qaysi qo'li bilan chizyapti?
- Namuna bilan qanday ishlayapti, unga tez-tez qarayaptimi yoki yoddan chizyaptimi?
- Chiziqlarini tez-tez chizyaptimi yoki sekin?
- Ish vaqtida ko'p chalg'iyaptimi?
- Ish vaqtida qanday savollar beryapti?
- Ish oxirida o'zi chizgan rasmni namuna bilan solishtirayaptimi?

Yo'riqnoma: Rasmni yaxshilab ko'rib chiq va mana shu qog'ozda xuddi shunaqa rasm chizgin. Shoshma, e'tiborli bo'l. Agar nimanidir noto'g'ri chizsang o'chirmagin, faqatgina yoniga to'g'ri qilib chizib qo'ygin.



Baholash mezonlari:

Yuqori daraja – 1 ball (bola 0-3 ball to'playdi) - vazifani yaxshi bajargan. 3 tagacha xato ballari ruxsat etiladi.

O'rta daraja – 2 ball (bola 4-6 ball to'playdi) - 4 tadan -6 tagacha xato ballari ruxsat etiladi.

Kichik daraja – 3 ball (bola 7 tadan ko'p ball to'playdi) -7 va undan yuqori xato ballari ruxsat etiladi.

Vazifani bajarayotganda quyidagilar xato hisoblanadi:

1. Biror bir detalni yo'qligi (har bir xatoga 4 balldan).
2. Umumiy rasmni o'lchamini saqlab qolgan holda, rasmning alohida detallarini 2 barobarga kattalashtirganni. (har bir kattalashtirilgan detal uchun 3 balldan).
3. Rasmning noto'g'ri tasvirlangan elementi (har bir elementga 2 balldan) tutun, panjara, shtrix, truba noto'g'ri tasvirlangan bo'lishi mumkin. Noto'g'ri tasvirlangan elementlar soni xato hisoblanmaydi. Tutunning halqachasi nechtaligi, panjaradigi cho'plarni soni, tomning shtrix chiziqlarini nechtaligi ahamiyatga ega emas.

4. Detallarni tekislikda noto'g'ri joylashishi (har bir noto'g'ri detal uchun 1 balldan) Bunga quyidagilar tegishli: panjaraning asosiga nisbatan yuqoriga yoki pastga joylashishi, tutun xalqachalarini gorizotal chiziqqa nisbatan 30 gradusga og'ishi

5. To'g'ri chiziqlarni berilgan yo'nalishidan 30 gradusga og'ishi (har bir noto'g'ri chiziq uchun 1 balldan)

6. Chiziqlarni birini ustiga birini chizib ketishi (har bir chiziq ketish uchun 1 balldan).

Кўнгилочар ўйинлар

Мавзу : Сув байрами

Мақсад: Болаларни сув ҳақидаги билимларини ошириш. Сувнинг хусусиятларини, сувдан қандай фойдаланиш кераклигини, сув бу ҳаёт эканлигини ўргатиш, болаларни маданий чиниктириш кўникмаларини ошириш. Ўйнаб туриб ўйлашга, ўйлаб турибўйнашга ўргатиш.

Ўйиннинг бориш:

Ҳовузчада сувлар мўл,
Сувда сузар ўрдак шўх.
Қурбакалар вақиллар,
Ўрдакларга чўзар қўл.

Тарбиячи : Қурбака-ю ўрдакчалар қани келинлар, бу ердп сув байрамини **нишонлаймиз.**

Муסיқа садолари остида қурбақа ва ўрдакчалар кириб келади.

Тарбиячи : Қурбака-ю ўрдакчалар, ҳовузчамизда сувлар тўлибди, сувда мазза қилиб ўйнаб, ҳар-хил ўйинлар ўйнаймиз. Сехрли муסיқа садолари остида сув маликаси пайдо бўлади.

Сув маликаси: Мени билсангиз, сув маликасидурман, сувда ўйнайдиганларга менинг шартим бор. Шу шартни ким бажара олса, шу ҳовузда ўйнаб куладилар. Мен сизларга топишмоқ айтаман. Агар топишмоқнинг жавобини топсангиз, ҳовузда ўйнаб кулишларингга рухсат бераман.

Мен айтаман топишмоқ,
Шовқин солмангиз бироқ.
Қани дўстлар бўлинг жим,
Дарров топар экан ким.

1. Усиз яшаб бўлмайди,
Қўл юз тоза бўлмайди.

(сув)

2. Боши бору сочи йўқ,
Ёғдан бошқа ҳуши йўқ.

(Балиқ)

3. Вақ-вақ этади,
Кўлмак сувда туради.

Сув маликаси : Қурбақа-ю ўрдакчалар, сизлар жуда билағон бола экансизлар. Сувдан яна қандй фойдаланилади ?

1. Ҳамма ёқни тоза ва озода қилиш учун.
2. Сув бу-ҳаётдир.
3. Сувда гуллар ҳам ўсади.

Сув маликаси : Сувда қандай гуллар ўсади ?

1. Сувда Нилуфар гуллар ўсади. Бизнинг мактабгача таълим муассасамизнинг номи ҳам **“Нилуфар”**.
2. Сувдан бутун борлиқ яшнайд.
3. Сувни исроф қилмасдан тежаб ишлатиш керак.
4. Сув- бу ёруғлик.
5. Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат.

Сув маликаси : Сизлар сувнинг хусусиятларини биласизми?

- Ёз фаслида сув қандай бўлади ?
- Иссиқ бўлади.
- Куз фаслида сув қандай бўлади ?
- Совуқ бўлади.

- Қиш фаслида-чи ?
- Сувлар музлайди.
- Баҳор фаслида-чи ?
- Музлаган сувлар эриб, сув ҳолига қайтади.

Сув маликаси : Қурбақа-ю ўрдакчалар, сизларни топқирларингиз, ҳозиржавоблигингиз мени қойил қолдирди. Раҳмат сизларга.

Тарбиячи : Сув маликаси, ҳозир биз болалар билан, сувда ким кўп гул териш мусобақасини ўтказамиз. Сиз ҳам кўриб томоша қилинг. Ҳовуздаги сувга гуллар узилиб ташланади. Қурбақа ва ўрдакчалар гуруҳига бўлиниб, сувдаги гулларни ким кўп теришга рухсат берилади. Гулни кўп терган гуруҳ рағбатлантириб, уларга совға берилади.

Ўйин якунланади.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва вазифалари болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг руҳият, шахсий қобилиятлари, интилиши ва эҳтиёжларини кондириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга, мустақиллик ғояларига содиқ ҳолда вояга етиб боришни таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлашдан иборат.

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Республикада идоравий бўйсунитиши ва мулкчилик шаклидан қатъий назар мактабгача таълим тизими ҳамда оилаларда болани тўлақонли тарбиялаш, таълим бериш ва ривожлантириш, уни мактабга самарали тайёрлашда қўлланиши мажбурий бўлган давлат ҳужжатидир. Ҳар бир бола алоҳида ҳолда ўсади ва ривожланади, бироқ шунга қарамай барча болалар ривожланишнинг маълум кетма-кетликдаги босқичларидан ўтадилар. Ушбу босқичларнинг ҳар бирида бир хил ёшдаги болалар учун умумий бўлган хусусиятлар кузатилади.

Ўйин мактабгача ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин болаларнинг келажакдаги ўқув ва меҳнат фаолияти, кишиларга тмуносабатнинг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди. Болалар атрофларидаги катталар учунгина мансуб булган, хали узларининг кучлари ҳам, ақллари ҳам етмайдиган жуда куп нарсаларни факат уйин фаолияти орқали узлаштирадилар. Уйин орқали воқеъликдаги нарса ва ходисаларни биладилар. Уйин теваарак атрофдаги нарсаларни билиш воситаси эмас балки кудратли тарбия воситасихамдир. Болани уйин орқали ижтимоий фойдали ,яъни юксак

инсоний хислатларни ҳам тарбиялаш лозим. Ўйин машғулотларни режалаштираётганда ҳар доим мақсадни ҳамда машғулотдан кутилаётган натижаларни аниқлаболиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан сўнг мақсадга эришиш учун қайси ўйин, топшириқ ёки машқдан фойдаланса яхшироқ самара бериши аниқлаб олинади. Бунинг учун қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

Ўйин-машғулотларнинг қатор тамойиллари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Ўйинларда эркин иштирок этиш.
2. Ўзаро ҳурмат.
3. Ўйин қоидаларини англаб олиш.
4. Рефлексия.

Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ривожланиши учун бирдан-бир воситадир. Ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом-хаёл суриш, дам олиш ва хушчақчақлик жараёнларининг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташқи муҳитдаги нарса ходисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир, ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал хислатлари ҳам шаклланади.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйинлари атрофдаги нарса ва ходисаларни билиш қуроли бўлиши билан бирга, юксак ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Ўзгача қилиб айтганда, ўйин қудратли тарбия қуролидир. Болаларнинг ўйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний хислатларни тарбиялаш мумкин. Агарда биз болаларнинг ўйин фаолиятларини ташқаридан кузатсак, ўйин жараёнида уларнинг барча шахсий хислатлари (кимнинг нимага кўпроқ қизиқиши, қобилияти, иродаси, темпераменти) яққол намоён бўлишини кўрамыз. Шунинг учун болаларнинг

ўйин фаолиятлари, уларнинг индивидуал равишда ўрганиш учун жуда қулай воситадир. Кичик мактабгача ёшдаги болалар одатда ўзлари ёлғиз ўйнайдилар. Предметли ва конструкторли ўйинлар орқали бу ёшдаги болалар ўзларининг идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ҳамда ҳаракат лаёқатларини ривожлантирадилар. Сюжетли-ролли ўйинларда болалар, асосан, ўзлари ҳар куни кўраётган ва кузатаётган катталарнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирадилар. 4-5 ёшли болаларнинг ўйини аста-секинлик билан жамоа шаклидан хислатларга эга бўлиб боради.

Болаларнинг индивидуал хусусиятларини, хусусан, уларнинг жамоа ўйинлари орқали кузатиш қулайдир. Бу ўйинларда болалар катталарнинг фақат предметларга муносабатини эмас, балки кўпроқ ўзаро муносабатларини акс эттирадилар. Шунингдек, жамоа ўйинларида болалар бир гуруҳ одамларнинг мураккаб ҳаётӣй фаолиятларини акс эттирадилар. Маълум ролларга бўлинган жамоа ўйин, болалардан қатъӣй қоидаларга бўйсунishiни ва айрим вазифаларни талаб доирасида бажаришни тақозо этади. Шунинг учун болаларнинг бундай жамоа ўйинлари психологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки, бундай ўйинлар болаларда иродавийлик, хушмуомалалик, ўйин қоидаларига, тартиб-интизомга бўйсунish ва шу каби бошқа ижобӣй хислатларни тарбиялайди ва ривожлантиради.

Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоӣй тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли бўлган таълим фаолиятига тайёрлайди. Одам бирданига ижтимоӣй тажрибани ўзлаштиришга кириша олмайди. Ижтимоӣй тажрибаларни фаол эгаллаши учун одам, аввало, етарли даражада нутқни эгаллаган бўлиши, маълум малакалар, уқувлар ва содда тушунчаларга эга бўлиши керак бўлади. Буларга бола юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ўйин фаолияти орқали эришади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O‘zbekiston Respublikasining Kadrlar tayyorlash milliy dasturi – Toshkent: “Adolat”, 1998.
2. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori // O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida»gi Qonuni. 5-modda. T.: O‘zbekiston, 1997. B.21
3. Karimov I. A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz. – Toshkent: “O‘zbekiston”, 2000.
4. Karimov I.A. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. – Toshkent: “Sharq”, 1997.
5. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma’naviyat, 2008. – 176 b.
6. "Bolajon" tayanch dasturi – Toshkent – 2010y.
7. “Bola shaxsini rivojlanishining dolzarb muammolari” II Xalqaro ilmiy – amaliy anjumanining tezis va maqolalar to‘plami, 2008 yil.
8. “Maktabgacha ta’lim tizimiga doir huquqiy – me’yoriy hujjatlar to‘plami”, 2009 yil.
9. “Uchinchi mingyillikning bolasi.” tayanch dasturi va o‘quv qo‘llanmasi Tuzuvchilar: M.Sh.Rasuleva, S.S.Mirdjalilova va boshqalar. “Ma’rifat- madadkor” T.: 2000.
10. “O‘zbekistonda maktabgacha ta’lim tizimini modernizatsiyalash – yuksak ma’naviyatli kelajak avlodni tarbiyalash negizidir” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Toshkent – 2009 yil.
11. G‘oziyev E. Tafakkur psixologiyasi. – Toshkent: “O‘qituvchi”, 1990.
12. Bekmatova O. A. va boshqalar “Quvnoq harflar” Toshkent-2000
13. Bo‘tayeve U., K.Oqilova. Maktabgacha yoshdagi bolalarni shakllantirishda o‘yin-mashg‘ulotlarning o‘rni // metodik tavsiyanoma Samarqand 2009 y. 24 b
14. Vaxobova F.N., M. Sh. Rasulova va boshqalar “Maktabgacha yoshdagi bolalar ta’lim-tarbiyasiga qo‘yiladigan davlat talablari” Toshkent- 2008.
15. Vaxobova F.N., M. Sh. Rasulova va boshqalar "Maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo‘yiladigan davlat talablari" Toshkent- 2008y.
16. G‘aybullayeva M. "Bolalar nutqini o‘stirish" Toshkent – 1998.

17. G‘aybullayeva M. “Bir yoshdan uch yoshgacha bo‘lgan bolalar tarbiyasi”. Toshkent, 2006.
18. G‘aybullayeva M. “Farzandlarimizni allalab, erkalab o‘stiramiz”. Toshkent: 2006
19. G‘afforova T. va boshqalar ”1-sinf savod darslari” Toshkent: 1996.
20. Djumanova D., Yu.K. Prusakova “Quvnoq logoritmika”, metodik qo‘llanma, 2009.
21. Jalolova G. “Bolalarni maktabga tayyorlashda noan‘anaviy o‘yinlardan foydalanish” Toshkent 2004.
22. Zaynitdinova D. “Harakatli o‘yinlar”. T.: 2006
23. Karimov M. va M.Ikromova “Raqs elementlari orqali bolalarni jismoniy rivojlantirish” metodik qo‘llanma, 2008 yil
24. Kirsten A., Xansen, Roksana K. Kaufmann, Keyt Berk Uolsh. Bolaga mo‘ljallangan dasturni tashkil etish // So‘z boshi Pamela A.Koglinniki/ Toshkent 2005. 246 b.
25. Qodirova F.R., M.Fayzullayeva. “Katta guruh tarbiyachilari uchun nutq o‘stirish mashg‘uloti ishlanmalari” (metodik qo‘llanma) T.: 2007.
26. Qodirova F.R., M.Fayzullayeva, M. Rustamova. “Tayyorlov guruh tarbiyachilari uchun nutq o‘stirish mashg‘uloti ishlanmalari” (metodik qo‘llanma) T.: 2010.
27. Qodirova F.R., R. M.Qodirova "Bolalar nutqini rivojlantirish nazariyasi va metodikasi " Toshkent- 2006y
28. Qodirova F.R., R.M.Qodirova «Maktabgacha yoshdagi bolalarni ikkinchi tilga o‘rgatish metodikasi» Dastur va o‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2007.
29. Qoraboyeva D., Z.Ibroximova va boshqalar “Uchinchi mingyillikning bolasi” tayanch dasturi va o‘quv qo‘llanmasi uchun badiiy to‘plam. (she‘r, hikoya, ertak va topishmoqlar). Toshkent 2006.
30. Maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo‘yiladigan Davlat talablari. Toshkent – 2008.
31. Mahkamjonov K.M., M.Sh.Rasuleva va bosh. “Maktabgacha yoshdagi bolalarning umumiy va kengaytirilgan jismoniy tarbiyasi”, “Ilm Ziyoy” nash. T.: 2006
32. Mirdjalilova S., R.To‘laganova “Ta’limda innovatsiya”, “Ta’lim jarayonida pedagogik texnologiyalar” metodik tavsiyanoma, 2008 yil

33. Muminova, Sobirova va boshqalar. «Bolalar bogʻchasida taʼlim-tarbiya dasturlari»
34. Moʻminova L. R. "Maktabgacha yoshdagi bolalarni savodga oʻrgatish dasturi" Toshkent-1996.
35. Nazarova F. "Maktabgacha taʼlim muassasalarida psixologik xizmat va meʼyoriy hujjatlar", 2007 yil.
36. Nedopekina E.T., A.V. Nikol'skaya «Maktab boʻsagʻasida» «Oʻqituvchi» T: 1971 y.
37. Nizomova K. "6 yoshli bolalarni maktabga tayyorlash va maktabga moslashuvini oʻrganish" \ metodik qoʻllanma. Toshkent 2006.
38. Nurkeldiyeva D. A. va boshqalar "Barmoqlar mashqi va logopedik oʻyinlar". Toshkent 2007.
39. Ravshanova N. "Maktabgacha taʼlim muassasalarida ekologik taʼlim – tarbiya" boʻyicha tuzilgan namunaviy dastur va oʻquv qoʻllanma. Ilm Ziyo nash. T.: 2006
40. Rasulova M., D.Abdullayeva, S.Oxunjonova, «Bolalarni maktabga psixologik tayyorgarligi» Toshkent-2004 yil.
41. Rasulova M. va b. «Uchinchi ming yillikning bolasi» tayanch dasturi. T: 2002.
42. Raximova N. "Kuyla, oftobim". Toshkent 2006.
43. Rahmonqulova Z. «Maktabgacha kichik yoshdagi bolalarda ilk matematik tasavvurlarini shakllantirish» \ metodik qoʻllanma. T.: 2007.
44. Raxmonqulova Z., N.Qurbonova "Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarini shakllantirish" \ metodik qoʻllanma, 2009 yil.
45. Rustamova M., D.Djumanova "Pedagog kadrlar salohiyatini oshirishda metodik birlashmalarning oʻrni" \ metodik tavsiyanoma, 2008 yil.
46. Sadatov Ch. X. Bolalarni maktabga tayyorlash metodikasi. Termiz: - 2008.
47. Safarova R. va boshqalar "Savod oʻrgatish darslari", Toshkent: - 2003.
48. Sodiqov A.R., A.Mirzaahmedov "Maktabgacha va maktab yoshidagi bolalarni ovqatlantirish" ilmiy – uslubiy qoʻllanma, 2008 yil.
49. Sodiqov A.R., A.Mirzaahmedov "Ovqatlantirishni tashkil etish va meʼyoriy hujjatlarning yuritilish tartibi", metodik qoʻllanma. Toshkent, 2007 yil.

50. Turg'unov S.T., va b. O'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirishda ta'lim muassasasi rahbarlarining funksional vazifalari: (o'quv qo'llanma) - T.: "Sano-Standart", 2011. – 162 b.
51. Turg'unov S.T. va boshqalar. Pedagogik jarayonlarni tashkil etish va boshqarish texnologiyalari. T.: "Sano-Standart", 2012. – 100 b.
52. Turg'unov S.T., Axmadjonova N.M. Maktabgacha ta'lim muassasalarida boshqaruv faoliyati algoritmi. // Xalq ta'limi. – Toshkent, 2012. – №1. – B. 133-134
53. Usmonxo'jayev T.S., Islomova S.T. "Maktabgacha ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya" "Ilm Ziya" nash. T.: 2006
54. Ushakova O.S. va b. "Zanyatiya po razvitiyu rechi v detskom sadu" – Moskva:- 1999.
55. O'zbekiston Respublikasida maktabgacha ta'lim konsepsiyasi. Qodirova F.R., Qodirova R.M., Vahobova F.N. – T.: 2008.
56. Fayziyeva U. "Maktabgacha yoshdagi eshitishida muammosi bo'lgan bolalar ta'limi". T.: 2006
57. Fayzullayeva M., Z.Rahimova, M.Rustamova Maktabgacha yoshdagi bolalarning nutqini o'stirish // (Tayyorlov guruhi uchun mashg'ulotlar ishlanmasi) Toshkent, 2011. 147 b
58. Sharipova D. "Agar bolam sog'lom bo'lsin desangiz" va boshqalar (Ota-onalarga maktabgacha yoshdagi bolalarning gigiyenik tarbiyasi haqida) Metodik qo'llanma. T.: 2006.
59. Sharipova D.J. "Ota-onalarga maktabgacha yoshdagi bolalarning gigiyenik tarbiyasi haqida" Ilm Ziya nash. T.: 2007
60. Shodiyeva Q. "Maktabgacha yoshdagi bolalarni to'g'ri talaffuzga o'rgatish" Toshkent: - 1995.
61. Shodmonova Sh., «Maktabgacha ta'lim pedagogikasi» Toshkent: - 2003.
62. Shomurotova Z. "Tovushlarning me'yoriy talaffuzi" – Toshkent.: - 2007.
63. Yusupova P. «Maktabgacha tarbiya pedagogikasi» «O'qituvchi» T- 1993y.
64. Xasanboyev J., X.To'raqulov, M.Haydarov, O.Xasanboyeva, N.Usmanov. Pedagogika fanidan izohli lug'at. T.: "Fan va texnologiya", 2009. 672 bet.
65. <http://eduportal.uz/uzb/info/axborot/59uzb/priloi/>
66. http://fikir.uz/posts/Fikr_maktabgacha_talim/10138.html

67. http://fikir.uz/posts/Fikr_maktabgacha_talim/10839.html
68. http://fikir.uz/posts/Fikr_maktabgacha_talim/6432.html
69. http://fikir.uz/posts/talim_fan_taraqqiyoti/9656.html
70. <http://opi.nuu.uz/>
71. <http://uznet.biz/bolajonim/psixologiya/6-yoshli-bolalarni-maktabga-tayyorligini-aniqlash-boyicha-metodik-tavsiya>
72. <http://uznet.biz/bolajonim/psixologiya/PSIXOLOGIK-OYINLAR>
73. <http://www.gov.uz/uz/citizen/education/960>
74. <http://www.rtm.uz/blog/2012/11/barkamol-avlodni-shakllantirishda-oila-mahalla-va-uzluksiz-talimining-hamkorligi>
75. <http://ziyonet.uz/uzl/education/system/preschool/>
76. <http://ziyonet.uz/uzl/education/system/preschool/>